Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 244 (20. 811) • 1990 йил 25 октябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Комсомоллар! Октябрь ғояларига садоқатли бўлингиз, ҳаётда инсонпарвар умуминсоний қадриятларни қарор топтирингиз!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Чақириқларидан).

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

Воқеалар. Янгиликлар. Хабарлар

ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИРМОНИ

Вилоят пахтакорлари қабул пунктларига 328 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу ҳосилнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи навларга топширилди.

Маълумки, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг пахтакорлари бу йил ҳашарчилар ёрдамисиз, машиналарда ҳосилни йиғиб-териб олишга аҳд қилган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишди. Вилоятдаги ҳамма районлар машина терими режасини муваффақиятли адо этишди.

Фориш, Зарбдор, Зомин, Дўстлик, Пахтакор районлари мирзаларлари, айниқса, терим суръатига-суръат қўшдилар.

Жиззахлик механик-ҳайдовчилар вилоят хирмонига 292 минг тоннадан зиёд пахта уйдилар.

Фориш районидаги «Известия», Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги», Пахтакор районидаги Ульянов номли, Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжаликлари, Жиззах районидаги «Москва» жамоа хўжалиги ва бошқа кўплигина хўжаликларининг пахтакорлари бошқаларга намуна кўрсатишди.

Вилоятда терим суръатини бўшаштирмаган ҳолда келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлашга ҳам киришилди. Масалан, Жиззах районида шудгорлаш бошлаб юборилди. Бошқа жойларда ҳам техниканинг асосий қисми шай қилиб қўйилди. Айни пайтда вилоятда мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишларни ниҳоясига етмоқда.

● Ғаллаорол районидаги «Искра» совхозида шоли ўрими қизғин. Чапдаги суратда: Менглибой Умбаров бошлиқ звенонинг илғор комбайнчилари Шербой Норқувватов билан Холбўта Эрматовлар бу йилги ҳосил салмоғидан мамнун.

● Шовот районидаги «Правда» колхозининг Қурбонбой Матёқубов бошлиқ бригадаси ҳосилдорликни режадаги 30 центнер ўрнига 40 центнерга етказди. Ўнгда пахтакор бригада бошлиғи Қ. Матёқубов.

● Киров районидаги «Бешариқ» совхозининг Аъзамбой Мақсудов бошлиқ звеноси мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқда. Чевар теримчилардан Рўзихон Тўйчиева, Карима Абдураҳмонова, Манзура Назарматовалар 5—6 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритишди.

Х. МАМАТҚУЛОВ, В. МОЛГАЧЕВ, Т. МАҲКАМОВ тушириган суратлар.

● *Мева*

РЕЖА БАЖАРИЛДИ.

● БАХМАЛ районида узум топшириш 20960 тоннага етказилди.

Райондаги «Гулбулоқ» совхози 6150 тонна, «Партия XXIII съезди» совхози 7200 тонна, «Партия XXIV съезди» совхози 1410 тонна, «Мичурин» совхози 6200 тонна ширин-шакар узум етказиб бериб, бу ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар.

С. АҲМЕДОВ.

● *Деҳқончилик*

ДАСТУРХОН КЎРКИ

● Ромитан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги аъзолари йил бошида эл дастурхонига 50 тонна ширин-шакар мева етиштириб бериш мажбуриятини олган эдилар.

Мевазорларда агротехник тадбирлар пухта амалга оширилганлиги, зараркунандаларга қарши кураш, бетиним меҳнат ўз самарасини кўрсатмоқда. Боғларда мўлжалдагидан ортиқ ҳосил етиштирилди. Соҳибкорлар 58 тонна мева етиштириб бериб, бу соҳадаги маррадан ўзиб кетдилар. Йиллик режа 109 фоизга адо этилди.

С. БЕШИМОВ.

● *Ғалла*

ОМБОРЛАРНИ ТЎЛДИРИБ

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик режасини ошириб бажардилар.

Вилоят колхоз ва совхозлари қабул пунктларига 73 минг 700 тонна ўрнига 73 минг 727 тонна юқори сифатли дон топширишди. Бунинг 2 минг тоннадан кўпроғи маккажўхори донидир.

Эришилган муваффақиятга Косон, Деҳқонобод, Ғузор, Ульянов, Чироқчи, Усмон Юсупов, Қамаши районининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Вилоят хўжаликларида давлатга дон топшириш ишлари давом этмоқда.

● *Чорва қишловига тайёрмисиз?*

МОЛИ ТЎҚНИНГ — КЎНГЛИ ТЎҚ

Шу кунларда қайси чорвадор билан учрашманг, «Озуқа масаласи қалай» деб сўрашади. «Тўққизинг учга етадими?» деган нақл ҳам шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Жумҳуриятимиздаги айрим хўжаликларда бу борада бирмунча ишлар амалга оширилди. Қишловга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Озуқа, ем-хашак мўл бўлса, гўшт ҳам бўлади. Сут ҳам, тухум ҳам!..

Кўпгина районларда, хўжаликларда қишга ҳозирликнинг борини тўғрисида муштарийларимиз ҳам тўлқинланиб ёзмоқдалар. Жумладан, бухоролик Ҳ. Ҳурамов бундай деб ёзади:

«Коғон районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги чорвадорлари авваллари йиллик режаларини зўрға бажаришарди. Ўтган йили эса барча кўрсаткичлар бўйича планлар ошириб адо этилди. Бунга асосан мўл-кўл озуқа тўплаганликлари туфайли эришишди. Бу йил эса 450 тонна сут топширишди. Мўл ва сифатли озуқа сигирлар маҳсулдорлигини ошириш омили эканлиги яхши маълум. Шунинг учун ҳам 850 тонна силос, 361 тонна беда пичани, 1226 тонна сенаж ва 1768 тонна дағал хашак жамғарилди. Бу қишловга бемалол етади».

Муштарийларимиздан сирдарёлик А. Бурлиев, самарқандлик А. Астонов, бухоролик А. Раҳмонов, Т. Мақсудовлар чорвадорлар ютуқлари ҳақида ёзишган.

Хўш, умуман жумҳуриятимиз чорвадорлари, озуқа етиштириш хўжаликлари ва бригадалари жамоалари қишловга қандай ҳозирлик кўришяпти? Ўзбекистон ССЖ Ҳисоблаш давлат комитети маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, дағал хашак, табиий ўт, сенаж, сомон, сунъий равишда қуритилган ўт уни, силос, турли илдизмевалар, лавлаги тайёрлаш ўтган йилгидан дуруст. Лекин ҳали ҳеч бир соҳада ҳам йиллик режа бажарилгани йўқ. Жумладан, илдизмева ва лавлаги тайёрлаш режаси 1,2 фоизга бажарилган, холос. Агар озуқа бирлиги ҳисобида олинадиган бўлса, бу иш ҳали ниҳоясига етмагани маълум бўлади. Жумладан, ҳозиргача жумҳуриятимизда режадаги 2580 минг тонна озуқа бирлиги ўрнига 2078,4 минг тонна озуқа бирлиги тайёрланган. Бошқача қилиб айтганда, план 80,6 фоиз атрофида бажарилган.

Бундай судралишга айрим вилоятлардаги сусткашлик сабаб бўлмоқда. Бу борада Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти дала меҳнаткашлари, айниқса, «ибрат» кўрсатишяпти. Бу ерда озуқа бирлиги ҳисобида ем-хашак тайёрлаш режаси бўйиғи 66,9 фоизга бажарилди. Атиги 4,4 минг тонна илдизмева ва лавлаги, 67,8 фоиз силос, 48,2 фоиз табиий ўт пичани, 75,1 фоиз дағал хашак жамғарилди. Андижон, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятларида ҳам бу борада орқада қолинмоқда.

Кўпгина вилоят ва районларда пичан ўрими суръати қониқарли эмас. Буларнинг ҳаммаси жумҳуриятда ем-хашак жамғаришнинг бир маромда боришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, кўпчилик вилоятларда чорва қишловининг бечиқим, беталофат ўтиши, моллар маҳсулдорлигини ўстириш ҳисобига эл-юрт олдида қабул қилинган режа ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг асосий шарти бўлмиш мўл-кўл озуқа тайёрлашда қолоқлик ҳукм суряпти. Бу ҳамма ерда аҳволни зудлик билан таҳлил қилиш, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни тезда аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришни тақозо этади.

Бундан буён кўриладиган ҳар бир чора-тадбир ем-хашакни кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга қаратилиши керак. Юзага келган аҳволни ўнглаш, озуқа жамғариш суръатини ошириш учун ҳали вақт бор. Лекин ҳар бир дақиқа ғанимат.

Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш қандай бормоқда? Наманганлик муштарий Б. Маҳмудов шундай ҳикоя қилади:

«Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозида қишлов учун озуқа жамғариш режаси бажарилди. 6644 тонна хашак, жумладан, 2202 тонна беда пичани, 20,45 тонна сенаж, 1090 тонна сомон, 404 тонна табиий пичан, 2900 тонна силос бостирилди. Аҳолига — 790 оилага кўк ўт, 357 тонна хўл беда, 85 тонна беда пичани, 214 тонна сомон, 40 тонна силос берилди».

— Фарғона вилоятининг Риштон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» давлат хўжалигида, — деб ёзади рўзномахон Н. Рауфжонов. — Аҳолига ем-хашак сотиш қизғин бормоқда. Қисқа муддат ичида уларга 100 тоннадан зиёд ширали озуқа етказиб берилди. Хўжаликнинг «Бўстон» ва К. Маркс номли бўлимлари қорамолчилик фермалари ишчиларига 80 бошга яқин чорва моллари сотилди. Бу иш ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Бундай қувончли хабарлар кўп. Лекин бу ҳайрли ишга ҳамма жойда ҳам бирдек эътибор бериляпти, деб бўлмайди.

Қиш эшик қоқмоқда. Қишлов эса чорвадор учун синов. Айни кунларда етарли миқдорда озуқа жамғариб, уни қишлов жойларига келтириб қўяйлик. Аҳолининг чорвасига ҳам етарли миқдорда ем-хашак етказиб беришни унутмайлик!

НУҚТАИ НАЗАР

БУГУНГИ ЁШЛАР

Ёшлар гўё узукка маҳкамланган ёқут кўздир. У ҳар томонлама товланиб туради, кўзга яқин,қолаверса, ғайирни ҳам уйғотади. Кўзга яқинликдан ғайирликнинг посангиси сал-пал ошиқ. Ана шу посанги унга кун бермайди.

Бунга мисол дейсизми? Олтмишинчи йилларнинг бошларида «Ҳозирги ёшларимизнинг чўғи паст» деганларини эшитганман. Бу таъна, бу дашном менга ҳар қалай ботмаса-да, юракларни зирқиратиб ўтган. Етмишинчи йилларга келиб бу янада кучайди. Саксонинчи йилларда ҳам тинганича йўқ. Лекин таънага қолган ёшлар ўзининг меҳнати, муҳаббати билан довонларни босиб ўтди. Бугунги кунда ана шундай тана-дашном эшитганларнинг ўзлари «Бизларнинг давримизда ёшлар бутунлай бошқача эди», — дейишаётгандир ҳам...

Аслида, шундайми?

Йўқ! Бугунги ёшларнинг мактаб партасиданоқ аллома сифатида тан олинаётганлигини биламан. Баъзилар ундай истеъдодлар саноқлидир, деяётганга ўхшайди? Уларнинг сафи кўпаймаётганлигига биз катталар айбдор эмасмиз. Жумҳуриятимизни айлансангиз, 30-40-йилларда ҳашар йўли билан тикланган, йиқилаёзганидан тирговучлар тиркаб қўйилган мактабларни кўрасиз. Полсиз, шифтсиз бу мактабларда таълим олишнинг ўзи бўладими? Билимнинг сифати хусусида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Компьютер тугул оддий ўқув қуролларини топиш амри маҳол-ку! Ҳозиргина сигирига ўт юлиб, соқолини олишга улгурмаган ўқитувчининг сабоқ бериши, бугунги кунни ўтказсам, эртага ё раззоқ дейиши... Бунга ким жавоб беради, ким! Менми, сизми? Ёки жамиятнинг ўзими?

Мен мактабдан гап бошладим. Болалар боғчасининг ўзида минг бир муаммо қалашиб ётибди. Уларни бирма-бир ечиш учун йилларнинг ўзи етмайди. Бунинг устига қишлоқларимиздаги савия, савод етарли эмас. Боғча ёшидаги болакайлар ота-онасининг бағрига кириб, тиззасигача лойга беланиб гувала қилаётганини кўрганмисиз? Буни оқламоқчи бўларсиз! Болаликдан меҳнатга ўрганяпти деяётгандирсиз! Тўғри, меҳнатга ўргатиш бошқа, меҳнат билан эзиб қўйиш бўлак. Назаримда қишлоқ болакайлари меҳнат қўйнида яйраб-яйраб... эзилиб ётишибди. Бунга ким айбдор. Сизу биз эмасми? Бу жамиятимизнинг ардоғими, бедодликми?

Яқинда ойнаи жаҳонда ўн биринчи синфни битирган қиз шеър ўқиди. Сатрларини эшитибоқ эзилиб кетдим. Ҳали Оролнинг ўзини кўрмай йиғлаб шеър ўқияпти. Қанчалик даҳшат! Оролнинг ўзида, ён-верида яшаётган аҳоли ҳақида эса сиз билан биз амалий ғамхўрлик қиляпмизми, уларга ёрдам беряпмизми? Мамлакат коммунистларининг анжуманида Оролга сиёсий баҳо бериш хусусида жон куйдирганларни кимлар қўллаб-қувватлади? Кимлар бу масалани четга суриб қўйди? Кимлар дардини тинглади-ю, кимлар тинглашни ҳам исташмади? Эртага бўй етадиган ороллик ёшларимиз билан биз фахрлана оламизми? Фахрланамиз, фахрланишимиз мумкин. Лекин ҳозир, бугунги кунда фожиа, фалокат ёқасида турган вақтида ёрдам беряпмизми? Қани, қачон! Бонг уриш пайти келмадимикин?!

Бугунги ёшлар бузилиб кетди!..

Бундай таънани бугун ҳам эшитиш мумкин.

Тўғри, ичкиликка, гиёҳвандликка муккасидан кетган, юрт безори, дил озори ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Куни кеча жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг матбуот йиғилишида жиноятчилик бўйича тилга олинган рақамларни эсланг. Бенхтиёр сесканиб кетасиз. Иттифоқимиздаги айрим жумҳуриятлар, шаҳарлар ва қишлоқлар бўйлаб бемалол юриш мушкул бўлиб қолди. Бегуноҳ ҳалок бўлаётганлар-чи? Армия сафидан соғлом қайтишликнинг ўзи бир байрам! Нега шундай! Бунга ким жавоб беради. Қачон жавоб берилади! Жавоб берадиган мардининг ўзи борми?

Тарихнинг қаъридан жавоб излаймиз. Лутфий бобомиз ўн икки ёшли Алишер Навоийнинг биргина ғазалини тинглаб фахрланган. Ҳаяжонидан ўзининг ўн икки минг байтлик ғазалларини ана шу ғазалнинг биргина матласига алмаштиришга рози бўлган. Бу бағри кенглик, олижаноблик, саховат эмасми?

Ёки И. Тургенев ўзидан атиги ўн ёш кичик ёзувчи Л. Толстойга йўллаган мактубида ёзган эди: «Азизим Толстой. Ҳозирча теранликка ўсганлигингиз каби энди энига шох отиб ўсинг, бизлар эса, вақти келиб Сизнинг соянгизда ўтириб, бу дарахтнинг чиройи ва салқинини мақташайлик». Қандай самимият, олижаноблик! Бу ҳам майли! Адиб кейинги мактубларидан бирида Толстойнинг диний-фалсафий муаммо билан шуғулланаётганлигини эшитиб, ижод майдонига чорлайди: «Сизга замондош бўлганлигимдан хурсандлигимни Сизга айтиб қўйиш ва Сизга сўнгги самимий илтимосимни изҳор қилиш учунгина шу хатни ёзаётибман. Дўстим, адабий фаолиятга қайтинг! Бу истеъдодни Сизга тақдирнинг ўзи ато қилганку, ахир. Менинг илтимосим, Сизга таъсир қилади, деб ўйлай олсам, ўзимни ғоят бахтиёр ҳисоблардим!... Дўстим, рус ерининг буюк адиби менинг илтимосимга қулоқ солинг!».

Боболаримизнинг ҳиммат-у олижаноблиги, самимият-у, кенг бағирлиги юрагимизнинг туб-тубига етиб боради, шундай эмасми? Мураббийларнинг ўгитлари ҳар қандай дастурдан юқори-ку!

Бугунги куннинг панд-насиҳатлари, қарорлари...

Тўғри, ёшлар хусусида не-не қарорлар қабул қилинмаган. Бу қарорлар зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. «Коммунизм сари, олға!» дедик. «Бугунги ёшларимиз коммунизмда яшайди» дедик. Уни ёшларнинг ўзи қуради дедик. Бу ҳавойи гаплар бор овоз билан ўқилди, лекин...

Бундай қарорлар, шиорлар, панд-насиҳатлар ҳеч қайси дилга таъсир этмади. Бу қарорлар қарорлигича, шиорлар шиорлигича қолиб кетди. Биз қайта- қайта ёзишдан чарчамадик, тарғиб-ташвиқ қилишдан эринмадик.

Мамлакат коммунистларининг анжуманида «КПССнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисида» резолюцияси қабул қилинди. Тўғри, бу ерда яхши таклифлар тилга олинган. Уни ёшлар ўқийди, орзиқиб ўқиши ҳам мумкин. Гап бунда эмас. Масалан, унда «ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти, болаларнинг ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни меҳнатга тайёрлаш, ёш ногиронларни жамоат ишлари учун яроқли қилиш, болалар ва ёшлар учун моллар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш, ёшларнинг талабларини ҳисобга олиб уй-жой қуриш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва камол топтириш, халқаро ёшлар алоқаларини ривожлантириш...» сингари сўзлар қайд этилган. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин партиянинг ҳам, касаба уюшмасининг ҳам, комсомолнинг ҳам анжуманларида худди шундай ва шунга монанд не-не қарорлар қабул қилинган, не-не тадбирлар белгиланган. Ваъдалар қуюқ, бажарилиши устида эса ҳеч ким қайғурмаяпти. Шу сабабли ҳам ҳиссиз, ҳаяжонсиз қарорларга ишонмай қўйдик.

Мен бу билан партия съезди белгилаган қарорлар ноўрин дейишдан йироқман. Айтилган сўз — отилган ўқ дейдилар. Лафзнинг ҳалол бўлиши тарафдориман.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон жумҳуриятлари комсомол ташкилотлари яқинда умумиқтисодий муаммолар, илмий техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳаракатномасини белгилаб олдилар.

Жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгашининг ёшларни маънавий жиҳатдан камол топтириш хусусидаги қарори беқиёс ғамхўрликдир. Бу қарор ёш авлодни бадиий маданиятнинг энг яхши намуналарига ошно қилишга, уларда юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни, бадиий дидни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Яна ўйлаб қоламан. Мамлакатни шу ҳолатга тушириган ким? Сиз билан биз эмасми? Маъмуриятчилик, тўрачилик, порахўрлик... Мана шу илдизлар саводсизликни туғдирмадими? Беҳаё фильмлар ёшларимизни бебош бўлишга йўлламадими?

Минглаб, миллионлаб ёшлар қалбини биргина қарор ёки шиор билан забт этишдан кўра ҳар бир йигит-қизнинг юрагига қулоқ тутайлик. Меҳр-муҳаббатимизни дариғ этмайлик. Бобокалонларимиз сингари кенг бағир, самимий бўлайлик. Бугунги куннинг талаби ҳам шуни тақозо этяпти.

Мирза КАРИМ.

ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

24 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик тўғрисидаги масала кенгаш мажлисининг диққат марказида бўлди. Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов шу ҳақда ахборот берди.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритишнинг бозор шароитига ўтишда ўз стратегиямиз ва тактикамизни танлаш муҳимдир, деб таъкидланди кенгаш аъзоларининг нутқларида. Айни пайтда жумҳурият аҳолиси ва энг аввало кам таъминланган табақалар, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш лозим.

Жумҳурият бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилишига амал қилиши таъкидланди. Бунда марказ ва бошқа жумҳуриятлар билан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқиши, мавжуд ресурслардан, иқтисодий омиллардан самаралироқ фойдаланиши, хўжаликни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечиши зарур. Мажлисда тилга олинган бошқа муҳим муаммолар орасида инвестиция, нарх белгилашнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш, жаҳон бозорига чиқиш ва шу сингарилар айтиб ўтилди.

Тақдим этилган дастурга оид ишни давом эттиришни ҳукуматга топшириш таклиф этилди. Президент Кенгашининг барча аъзолари дастурни узил-кесил ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этадилар.

Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов ўз нутқини жумҳурият пахта комплекси муаммоларига бағишлади. Фидокорона меҳнат, иқтисодий омиллардан фойдаланилганлик туфайли пахтакорлар бу йил улкан муваффақиятга эришдилар. Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш учун ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина ишлар қилинди. Бу йил пахта экиш учун ерларнинг 65 фоизи ажратилди. Келгуси йилда пахтазорлар майдони 61 фоизгача қисқартирилади. Бунда ҳар гектар ер ҳосилдорлигини ошириш, селекция ва уруғчилик масалаларига, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш муҳимлиги таъкидланди. Айни моддий омиллар самарали ишлашга кўмаклашади.

Пахта Ўзбекистоннинг асосий бойликларидан бири, юқори рентабелли валюта маҳсулотидир. Пахтанинг афзалликлари шак-шубҳасиздир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари ғўза сабзавот ва мева экинларига қараганда қарийб икки баравар кам сув талаб қилишини кўрсатмоқда.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг фаолият режаси ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Оролбўйини экологик ҳалокатдан муҳофаза этиш муаммоларини, оммавий ахборот воситаларининг иши ва бошқа масалаларни муҳокама қилиш таклиф этилди.

Халқ манфаатлари, унинг турмуш шароитларини яхшилаш — Президент Кенгашининг аъзолари амал қилиши зарур бўлган энг асосий масаладир, деб таъкидлади мажлисда жумҳурият Президенти И. А. Каримов.

(ЎзТАГ).

БОШ КОНСУЛЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули А. К. Мукержини ушбу лавозимдаги фаолияти бошланиши муносабати билан 23 октябрь куни қабул қилди.

Суҳбат чоғида турли масалалар тилга олинди. Асосий эътибор Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодиёт, савдо, маданият, сайёҳлик ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов шу куни яна ўша сабабга кўра Мўғулистон Халқ Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули Б. Будани қабул қилди.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасида турли соҳаларда азалий дўстона муносабатлар ва алоқалар мавжудлиги таъкидланди. Иккала томон ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш муддаосини айтди.

Бош консуллар билан бўлиб ўтган суҳбатларда Ўзбекистон ССЖ Президентлик Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛАНИШ—КАСАБА УЮШМАСИ ҲАРАКАТИНИНГ МАҚСАДИ

ССЖИ касаба уюшмаларининг XIX съездига ВЦСПС маърузаси

ВЦСПС Раисининг ўринбосари В. П. ШЧЕРБАКОВ ССЖИ касаба уюшмаларининг XVIII съезддан кейин ВЦСПСнинг иши ва мамлакат касаба уюшмаси ҳаракатини тубдан янгилаш борасидаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Мамлакат тарихий тараққиётининг бориши, турмушнинг ўзи ССЖИ касаба уюшмаларининг XIX съездини, касаба уюшмалари фаолияти даврига якун ясайдиган съездни муддатидан илгари чақириш заруратини тақозо этди. Маърузачи етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида мамлакатдаги касаба уюшмаси ҳаракатининг ривожланишига кенг таъриф берди. Биз омманинг танқидий кайфиятини қўллаб-қувватлаб ва касаба уюшмалари бутун фаолиятини тубдан ўзгартиришга жиддий қарор қилиб, айни пайтда касаба уюшмалари амалга оширган барча ишларни умуман йўққа чиқариш кайфиятида бўлган кишиларга қатъиян эътироз билдиришимиз зарур, деб таъкидлади у. Барча қийинчиликларга қарамай, касаба уюшмаларининг қўлга киритган ўз ютуқлари бор. Биз минг-минглаб софдил касаба уюшмалари ходимларининг кўп йиллик меҳнатини йўққа чиқаришга ҳақли эмасмиз. Съездимиз касаба уюшмаси ҳаракатининг янги, замон руҳига, одамларнинг эҳтиёжларига мос келадиган концепциясини ишлаб чиқиши, касаба уюшмаларини тубдан янгилаш йўлларини белгилаб олиши лозим.

Кейинги вақтда совет кишилари иқтисодиётдаги аҳволни барқарорлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш учун масъулиятли йўл танланишини кутиб яшадилар. Эълон қилинган мақсад — ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган иқтисодиётни вужудга келтириш, яъни бутун ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари сари йўналтириш, тақчилликни ва шармандали навбат кутишларни бартараф этиш, амалда фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашни касаба уюшмалари қўллаб-қувватламаслиги мумкин эмас.

Шу билан бирга бу айниқса дастлабки босқичда қийин кечадиган жараён эканлиги мутлақо равшандир. Бозор — ким нима хоҳласа олаверадиган очил дастурхон эмас. У ҳар бир кишидан энг кўп самара, интизом ва масъулиятни талаб этадиган қаттиққўл системадир.

Шу боисдан ССЖИ Президенти таклиф этган асосий йўналишларда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг кўпгина нуқтаи назари ўз ифодасини топди, деди маърузачи. Шу билан бирга ўткир муаммолар ҳам бор ва съезд ана шу муаммолар юзасидан аниқ, пухта нуқтаи назарни ишлаб чиқиши зарур.

Асосий йўналишлар одамларни ҳимоя қилиш тадбирларини концепция нуқтаи назардангина белгилаб беради. Касаба уюшмалари эса ана шу тадбирлар умуман мамлакат даражасида ҳам, жумҳуриятларда ҳам, корхоналарда ҳам аниқ рўёбга чиқарилиши учун курашишлари керак бўлади.

Энг аввало корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми кимнинг мулки бўлиши, ҳозирги ўтиш босқичида мулкчиликнинг қайси шакли ҳукмрон бўлишига амал қилиш керак. Нотиқнинг фикрича, мулкчилик шакллари хилма-хиллигининг объектив зарурлигини эътироф этиш лозим.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, афтидан, енгил ва озиқ-овқат саноати, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, бинокорлик материаллари саноатининг кичик ва ўрта корхоналаридан бошланиши лозим. Бу эса бозорни моллар ва пулли хизматлар билан тезроқ таъминлаш имконини беради.

Агар, меҳнаткашларнинг кайфиятини, уларнинг мулк масалалари хусусидаги таклиф ва талабларини умумлаштирадиган бўлсак, касаба уюшмалари меҳнат жамоаси мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ижара, тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш ва меҳнаткашларнинг жамоа мулкини сотиб олиши сингари шаклларидан воз кечган тақдирдагина, давлат корхоналарини хусусий кишиларга сотишни, шунингдек уларнинг акцияларини эркин сотишни ёқлаб чиқишлари керак. Биз касаба уюшмалари ҳар қандай даражадаги, энг аввало меҳнат жамоаларидаги мулкчилик шаклларини ўзгартирувчи комиссияларда қатнашиш зарур, деб ҳисоблаётганлигини ҳам маълум қилишимиз керак. Бу — меҳнаткашлар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишнинг аниқ-равшан йўлидир.

Меҳнат бозори касаба уюшмалари фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб қолмоқда. Касаба уюшмалари у ерда одамларни иш билан таъминлаш, ишчи кучининг қадри сингари энг асосий масалаларда ёлланган ходимларни манфаатларини ифодалаши лозим.

В. П. Шчербаков аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда касаба уюшмаларининг аҳамиятига тўхталиб, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, фойда келтирмайдиган корхоналарни тугатиш, яқин вақт ичида уларни конверсиялаш шароитида турли тармоқларга кўра 6 миллиондан 15 миллионгача киши ишсиз қолиши мумкинлигини айтди. Ҳозир ССЖИ Олий Кенгаши одамларни иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Бир қанча муҳим нуқтаи назарлар юзасидан лойиҳанинг икки нусхаси — касаба уюшмалари ва ҳукумат нусхалари бор.

Ёндашувлардаги асосий тафовут нималардан иборат? Маърузачи ҳукумат лойиҳасини рўёбга чиқариш келгуси йилда 5-6 миллиард сўмга, касаба уюшмаси лойиҳасини амалга ошириш эса 12-15 миллиард сўмга тушиши мумкинлигини айтди. Бу бизнинг таклифларимизга қарши жиддий далилдир, албатта. Аммо бу ҳал қилувчи далилми? Назаримизда, одамларни қийин аҳволга солиб қўйиш ҳисобига эмас, балки бошқа ҳар қандай исталган соҳада тежаш мумкин. Одамлар ҳеч қандай айби бўлмаган ҳолда ва беихтиёр шундай қийин аҳволга тушиб қоладилар.

Ҳукумат таклифларидан шу нарса келиб чиқадики, нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 70-80 сўмни, нари борса 100 сўмни ташкил этади. Касаба уюшмалари эса ҳисоб-китобларнинг алоҳида мезонини жорий этиш зарур, деб ҳисобламоқда. Дастлабки тўрт ой давомида сўнгги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 70 фоизини, қолган тўрт ойда 60 ва яна 4 ойда 40 фоизини тўлаш керак бўлади.

Нафақалар тўлаш муддати хусусидаги фикрларда ҳам тафовут бор. Ҳукумат ишсизлар рўйхатга олинган кундан бошлаб уларни атиги ярим йил, пенсияга яқин ёшдаги кишиларни эса 9 ой таъминлаб туришни таклиф этади. Шу вақт ичида ишдан бўшатилган одам бошқа ишга жойлашмаган бўлса, нима қилиши керак? — деган савол туғилади. Чет эл тажрибаси иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар узоқ вақтни олиши мумкинлигидан ва қисқа вақт ичида янги иш жойларини ташкил этишга муваффақ бўлинмаслигидан далолат беради.

Мана шунинг учун ҳам касаба уюшмалари фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уни ишга жойлаштириш тўғрисидаги масала ҳал қилингунга қадар, бироқ мамлакатнинг оғир иқтисодий аҳволини ҳисобга олиб, бу муддатни 12 ой билан чеклашни, пенсияга яқин ёшдаги кишиларга эса икки йил нафақа тўлашни таклиф этади. Касаба уюшмаларининг талабларидан бири шундан иборатки, корхонани уларнинг розилиги билангина ёпиш керак. Бунда меҳнаткашлар корхона ёпилиши тўғрисида олдиндан хабардор бўлишлари, бошқа иш ўрганиш имконияти ва вақтига эга бўлишлари, янги иш жойини топишлари керак.

Меҳнат бозорида ходимларнинг манфаатлари учун курашиш муносабати билан касаба уюшмалари олдига қўйиладиган асосий вазифа — ишчи кучининг баҳосидир. Маърузачи ушбу муаммога батафсил тўхталди. Унинг моҳияти шундан иборатки, давлатимиз узоқ вақт қўрсатма тариқасида ишчи кучи баҳосини, нормативларни белгилаб келди. Натижада меҳнаткаш ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ярмидан камроғига ҳақ тўланмоқда.

Ишчи кучининг таннархи амалда бажариладиган ишнинг меҳнат сарфи билан боғланмаган. Масалан, енгил саноатда ишлайдиган ишчи аёл эркаклар кўйлагини тикиш учун 45 тийин, костюм учун 2 сўм ҳақ олади. Донбасда бир тонна кўмир қазиб олиш 1 сўм 3 тийин туради. Молнинг нархига таққослаганда, меҳнатга бериладиган баҳо тўғрисида нима дейиш мумкин. Бунда эксплуатациядан бошқа сўз танлаш қийин. Буларнинг ҳаммаси қисқартирилган отпускалар, 41 соатлик иш ҳафтаси, миллионлаб сменадан ташқари иш соати шароитида рўй бермоқда.

Ҳозирги пайтда иш ҳақини шакллантириш қоидалари уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа молларни бозор нархида сотиб олишга, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа турмуш неъматлари учун ҳақ тўлашга тўғри келишини ҳисобга олмаган. Илгари булар учун давлат меҳнаткашларнинг пулларидан тўлар эди.

Шу боисдан ВЦСПС раисининг ўринбосари қуйидагиларни айтди: иш ҳақини ходим бозор нархлари ва солиқ сиёсати ўз бюджетига етказадиган зарарга бардош бера оладиган даражада ошириш тўғрисида гап бориши керак.

Аҳоли даромадларини индекслаш тўғрисидаги масала ана шу билан бевосита боғлиқдир. ВЦСПС шундай қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва ССЖИ олий кенгашига тақдим этди. Бунинг асосий мазмуни барча фуқаролар ўзлари оладиган даромадларнинг миқдоридан қатъи назар, кам таъминланиш доирасида нарх-наво ошишини тўла қоплаш таъминланган бўлишидан иборат.

Қоплаш учун маблағлар қаердан олинади? — деган савол туғилади. Касаба уюшмалари бюджет ташкилотлари ходимлари учун бундай маблағ Иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий бюджетдан олиниши, корхоналар ҳамда ташкилотларда эса мулк эгаси ҳисобидан олиниши зарур, деб ҳисоблайди.

Аҳолининг жамғарма банкларидаги қадрсизланадиган омонатлари уларга банк ставкалари фоизини ошириш ҳисобига индекслаштирилиши лозим. Касаба уюшмалари умр бўйи ишлаб топган маблағини кооператив квартира, дала ҳовли, автомобиль сотиб олиш учун, шунингдек бирор кор-ҳол учун пул тўплаган киши маблағидан ажралиб қолишига йўл қўя олмайди.

Сўнгра В. П. Шчербаков ишламайдиган ва кам таъминланган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги кенг кўламли вазифага тўхталди. Бу вазифа касаба уюшмалари олдига ўткир қилиб қўйилмоқда. Нотиқ кун кечиришнинг энг кам миқдоридан оз даромадга эга бўлган аҳоли камаймай, балки аксинча кўпайиб бораётганлигини айтди. Ҳозирги вақтда улар 70-80 миллион кишини, мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади. Улардан тахминан 25 фоизи ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар, учдан бир қаравардан кўпроғи пенсионерлар ва ногиронлардир.

Аҳоли ана шу тоифасини ижтимоий ҳимоя қилиш системаси даромадларни индекслаш билангина чекланиб қолмай, балки кекса ёшдаги кишиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид амалий тадбирларни: меҳнатга қобилиятли кишининг меҳнат қилишига имкон беришни, меҳнатга яроқсиз кишига қўшимча ҳақ тўлашни, маҳсулот ва ноозиқ-овқат молларининг айрим турларини сотиб олиш учун қўшимча маблағ беришни, дори-дармонларни сотиб олишда, уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини беришни кўзда тутиши муҳимдир.

Шундан кейин маърузачи меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш муҳитининг ҳолати ва бошқа соҳаларда касаба уюшмаларининг сиёсати сингари муҳим ва долзарб масалаларга тўхталди. Жумладан, деди у, Иттифоқ касаба маркази табиий ва экологик офат зонасида қолган шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига имкони борича ёрдам бериш учун барча тармоқ касаба уюшмалари, иттифоқдош жумҳуриятлар касаба марказларининг куч-ғайратларини бирлаштириши зарур. Масалан, Арманистон ва Шарқий Қозоғистон, Тожикистоннинг зилзиладан зарар кўрган районлари, экологик офат зоналари: Орол, Жанубий Урал, Семипалатинск аҳолисига, мамлакат турли минтақаларидаги қочоқларнинг оилаларига ёрдам бериш шулар жумласидандир.

Чернобиль фожиасининг оқибатлари тўғрисида алоҳида гапириш лозим. Бу ўринда гап ана шу зоналарда яшаётган кишилар тўғрисида, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳақида, авария оқибатларини тугатишда қатнашган ҳамда ўзларининг фуқаролик бурчини адо этган ва саломатлигини йўқотган кишиларнинг тақдири тўғрисида бормоқда.

Айниқса кучли радиация районларидан одамларни кўчириш яхши йўлга қўйилмаган ва ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Шунинг учун съездга касаба уюшмалари Чернобилга оид давлат программаси рўёбга чиқарилишини жамоат назоратига олишни, ана шу ишдан аҳолини мунтазам хабардор қилиб туришни ўз зиммасига олиши тўғрисидаги таклиф киритилади. Ишларнинг аҳволи қониқарсиз бўлган тақдирда айбдорларни халққа маълум қилиш, улар истеъфога чиқишига ва жиноий жавобгарликка тортилишига эришиш зарур.

Сўнгра маърузачи ижтимоий суғурта масалаларига эътиборни қаратди. Касаба уюшмаларининг съездлари ва конференцияларида, касаба уюшмалари ташкилотларида бўлиб ўтган мунозара жараёнида, деди у, баъзилар ижтимоий суғурта маблағларини умуман давлатга қайтариб беришни, уларни тармоқ касаба уюшмалари ёки жумҳурият касаба бирлашмаларига тақсимлаб беришни таклиф этмоқдалар.

Гап шундаки, ижтимоий суғурта бюджети давлат бюджетининг таркибий қисми бўлган, суғурта бадаллари ҳажми касаба уюшмалари харажатларининг атиги 50-70 фоизини қоплаган, уларнинг қолган қисми эса Иттифоқ бюджетидан қўшимча маблағ ҳисобига таъминланган шароитда касаба уюшмалари ана шу жабҳани чинакамига бошқариш имкониятидан маҳрум эдилар, барча энг муҳим масалаларни давлат идоралари билан келишиб олиш керак эди. ВЦСПСнинг, бошқа касаба уюшмалари идораларининг осонгина розилиги билан ижтимоий суғурта маблағларидан миллиардлаб сўм пул давлат бюджетига ўтказилар эди.

Касаба уюшмаларининг шифохоналари тобора танг аҳволга тушиб қолаётган бўлса-да меҳнаткашларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган маблағлар давлат бюджетига ўтказилар эди.

Бозор муносабатига ўтиш даврида шифохоналардан фойдаланиш учун харажатлар анча кўпаяди. Санаторий йўлланмасининг ўртача нархи 2,5—3 баравар ошиши мумкин.

Шунинг учун ижтимоий суғуртани бошқаришни тубдан ўзгартириш зарурати етилди. ССЖИ ҳукумати билан ВЦСПС ўртасидаги битимга мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бюджети ўрнига иккита фондни — ССЖИ пенсия фонди ва ССЖИ ижтимоий суғурта фондини тузиш таклиф этилади. ССЖИ пенсия фонди давлат идоралари ихтиёрида, ССЖИ суғурта фонди эса касаба уюшмалари ихтиёрида бўлади. Касаба уюшмалари ана шу маблағларни тасарруф этиш, ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шуни назарда тутиб, ВЦСПС 1 сентябрдан касаба уюшмалари шифохоналарида овқатланиш нормаларини идора муассасалари даражасига етказди. Санаторий-профилакторийларда ана шу мақсадлар учун харажатлар оширилди. Чернобиль дастурига қўшимча равишда 800 миллион сўм, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини пул билан таъминлаш ва шу сингарилар учун 200 миллион сўм қўшимча маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Афсуски, қарорларни рўёбга чиқариш барбод бўлиши хавфи туғилмоқда.

ССЖИ Президентининг Фармони билан келгуси йилда суғурта бадаллари миқдори ССЖИ Олий Кенгашининг қарорида кўзда тутилган 37 фоиз ўрнига меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 26 фоизи ҳажмида белгиланди. Натижада ижтимоий суғурта фонди даромадлари нормативлар кўпайтирилмаса, учдан бир ҳисса камаяди ва ижтимоий суғуртанинг энг долзарб программаларини пул билан таъминлай олмайди.

Айни вақтда ССЖИ вазирлар кенгаши, бошқа давлат идоралари, бир қанча касаба уюшмалари ташкилотлари бутун ижтимоий суғуртани давлатга топшириш тўғрисидаги таклифни ўртага қўймоқдалар.

ВЦСПС раисининг ўринбосари касаба уюшмаларининг жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг аҳволини яхшилаш билан боғлиқ ишини, қишлоқда, маданият, спорт соҳасидаги ижтимоий муаммоларни ҳар томонлама таҳлил этди. У касаба уюшмалари хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиши, уларни оғир ва зарарли ишларда, тунги сменаларда ишлашдан холи этиши ва шу билан бирга фарзандларини тарбиялаш учун шароитни яхшилашга эришиши зарурлигини таъкидлади. Аёлларга бола туғилгунча бериладиган отпускани тўрт ойгача узайтириш — муҳим вазифадир.

Мана шу барча масалалар юзасидан касаба уюшмаларининг таклифлари ССЖИ Олий Кенгаши ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг бир қанча қарорларида ҳисобга олинди. Мамлакат касаба маркази, барча касаба уюшмалари ташкилотларининг вазифаси ана шу қарорлар рўёбга чиқарилиб, меҳнаткаш аёлларга, оналарга ёрдам беришига эришишдан иборат.

Ёшлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, съезд номидан ССЖИ Олий Кенгашига мурожаат қилиб, қисқа муддатларда давлатнинг ёшларга оид сиёсати дастурини ишлаб чиқишга ва рўёбга чиқаришга киришишни, бозор шароитида ёшлар, болалар манфаатлари ҳимоя қилинишига кафолат берувчи туркум ҳимоя тадбирлари қабул қилишни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маърузачи ўзини ўзи танқид нуқтаи назаридан ВЦСПС қишлоқ меҳнаткашлари муаммолари билан яхши шуғулланмаганлигини эътироф этди. Бунинг устига XVIII съезддан кейин маълум таркибий ўзгаришлар натижасида ВЦСПСгина эмас, шу билан бирга вилоятлар ва жумҳуриятлардаги касаба уюшмалари кенгашлари ҳам амалда қишлоққа ёрдам бериш масалаларида мувофиқлаштирувчилик мавқеидан воз кечдилар.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида кураш стратегиясини ва касаба уюшмаларининг иш йўналишларини янада аниқ белгилаб, бу нуқсонни тузатиш мумкин. Касаба уюшмалари қишлоқ меҳнаткашларининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, шаҳар билан қишлоқ ўртасида баравар айирбошлаш бўлишига, бир вақтлар истиқболсиз деб эълон қилинган қишлоқларни тиклашга эришиши зарур.

Маърузачи бозорга ўтиш дастури аҳолини давлат уй-жой билан таъминлашининг мавжуд системасидан воз кечишни ва уни товар категориясига ўтказишни таклиф этишни таъкидлаб, масала бу таҳлитда қўйиладиган бўлса, ўтиш даврининг қийинчиликлари, аслида, уй-жойларни ижарага олувчилар зиммасига тушади. Ўзларининг уй-жой шароитини яхшилаш учун кўп йиллардан буён навбатда турган 14 миллион аҳоли бепул квартира олиш кафолатидан маҳрум бўлади. Ваҳолонки, улар бунинг учун ҳам маънавий, ҳам моддий ҳуқуққа эгадирлар.

Бундай ёндашувлар — ғайриқонунийдир. Касаба уюшмаларининг талаби шундан иборатки, уй-жой қурилишига сарфланаётган капитал маблағлари ҳеч бўлмаганда яқин беш йил мобайнида қисқартилиши у ёқда турсин, балки бозор омиллари ҳисобига хатто оширилиши керак. Шу билан бир қаторда уй-жой муаммосини мустақил ҳал этмоқчи бўлган фуқаролар ва корхоналарга шарт-шароит яратиб берилиши лозим.

Уй-жой хўжалигини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш чоғида одамларнинг уй-жойларни асраш учун сарфлайдиган харажатларини индекслаш ва уларга қўшимча маблағ тўлаш, бошқача қилиб айтганда, ана шу харажатларни нормал яшаш даражасини таъминлайдиган истеъмол маблағига киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Сўнгра маърузада эътибор консерватив кучлар янгиланаётган касаба уюшмаларини турткилаб, уларнинг «ўз жойини» кўрсатиб қўйишга уринишлари кўпайганлигига қаратилди. Корхоналар тўғрисидаги қонундан касаба уюшмалари ҳақидаги гапларни чиқариб ташлаш, касаба уюшмаларини жамоа шартномаси тузиш ҳуқуқидан маҳрум этиш кимга фойдали эди? Касаба уюшмалари корхонада иш олиб бормасa, қаерда ишлаши мумкин? Мамлакат бозор иқтисодиёти томон бормоқда, бозор шароитида ходим хўжайин, кордон, иш берувчи олдида яккама-якка қолади, бинобарин ишчи кучининг муносиб баҳоси учун касаба уюшмаларидан ташқари ҳеч ким билимдонлик ва маҳорат билан жиддий кураша олмайди. Касаба уюшмалари тўғрисида қонун қабул қилинмас экан, улар Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга бўйсунишга мажбурдирлар, бу қонунга мувофиқ касаба уюшмалари давлатнинг қаттиқ назорати остида бўлади, рўйхатдан ўтишга ва ҳар бир қадами учун ҳисоб беришга мажбурдир. Бундай касаба уюшмалари меҳнаткашларни ҳимоя қилишга қодир бўлмайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, касаба уюшмаларининг иш берувчилар ва ҳокимият билан муносабатларини корхонада ишчи кучини сотиш шартларини мустаҳкамлаб қўядиган ҳужжат бўлиши лозим бўлган жамоа шартномасидан бошлаб вилоятлар, ўлкалар, жумҳуриятлар, тармоқлар ва умуман мамлакат даражасидаги битимларгача—шартномалар системаси асосига қуриш энг самарали бўлади. Мамлакат касаба уюшмалари, касаба уюшмалари маркази ВЦСПС касаба уюшмаларининг кенгашлари ва комитетлари иштирокида ишлаб чиққан жамоа шартномалари ва битимлари тўғрисидаги қонун ССЖИ Олий Кенгашида тезроқ кўриб чиқилиши ва қабул қилинишини фаоллик билан талаб этиши лозим.

ВЦСПС раисининг ўринбосари касаба уюшмалари меҳнаткашлар кенг оммасининг кайфиятини ифодалаб, ҳукуматнинг амалдаги оппоненти сифатида ҳаракат қилишини таъкидлаб, ҳукумат билан касаба уюшмалари марказининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги ҳар йили тузиладиган бош битим негизига қурилиши лозим деган фикрни айтди. Бу бош битимда меҳнаткашларнинг асосий ижтимоий кафолатлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, иш ҳафтасининг қанча давом этиши, ҳар йили бериладиган отпуска миқдори энг кам даражаси мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Касаба уюшмалари раҳбарларининг ССЖИ Президенти М. С. Горбачев, Н. И. Рижков бошлиқ мамлакат ҳукумати билан дастлабки учрашувлари бошланган мулоқотнинг амалий ва фойдали бўлишига ишониш учун асос бўла олади.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари учун курашда коллектив бўлиб ҳаракат қилиш, ишчилар бирдамлиги совет касаба уюшмалари қўлидаги кучли қуролга айланмоқда, деди В. П. Шчербаков. Шу муносабат билан у Шимолнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишлаб Россия мустақил касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан ўтказилган Мурманскдаги минтақаларо касаба уюшмалари конференциясини эслатиб ўтди. Шу конференция қарорларига асосланиб, федерация ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган, пухта ўйланган талаблар мажмуини тайёрлади ва уларни РСФСР Вазирлар Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этди. Бу талаблар айни меҳнаткашларнинг иродаси туфайли музокара столи устига қўйилган экан, бу билан ҳисобдашишга тўғри келади. Халқ таълими ва фан, маданият ходимлари ҳамда табобат ходимлари касаба уюшмаларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилиши натижасида ана шу тармоқлар меҳнатчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларини жорий этиш муддатлари 1992—1994 йиллардан 1991 йилнинг 1 январига кўчирилди.

Туб иқтисодий ислоҳот, жамиятнинг сиёсий системасини тубдан қайта қуриш ва мамлакат давлат тузилишини янгилаш шароитида касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Аввало бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба ҳаракатининг чинакам негизига айлантиришга, уларнинг тўла мустақиллигини, бутун касаба уюшмалари системасида уларнинг устунлигини таъминлашга эришиш зарур. Бошланғич ташкилотнинг қандай касаба уюшмага киришини, бошқа касаба ташкилотлари билан бирлашишнинг қандай шаклидан фойдаланишини, қандай ички тузилишни афзал кўришини, ўз вакилларини қайси юқори касаба уюшмаси органига юборишини улар учун бошқа ҳеч ким ҳал қилишга ҳақли эмас.

Ишчилар ва касаба уюшмалари ҳаракатининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кучли касаба уюшмалари ташкилотларини касбга қараб эмас, балки ишлаб чиқаришга қараб мукаммал, маърифатли, интизомли уюшмалар сифатида бирлаштириш асосида барпо этиш мумкин.

Меҳнаткашлар турли гуруҳларининг касб билан боғлиқ бўлган манфаатларини яхшироқ, тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилиш зарурлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш қасаба уюшмалари доирасида шўъбалар, уюшмалар ҳамда касбга доир бошқа бирлашмалар тузиш йўлидан дадилроқ бориш зарур. Ҳозироқ бундай иш тажрибаси вужудга келмоқда.

Кўпгина касаба уюшмаларининг кенгашлари буйруқ бериш — тақсимлаш вазифаларидан, тармоқ касаба уюшмалари идоралари ишини такрорлашдан қатъиян воз кечмоқдалар. Тверь, Куйбишев, Полтава касаба уюшмалари вилоят кенгашларининг, бевосита тенг вакиллик қоидалари асосида тузилган Россия мустақил касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг фаолияти айни мана шундай идоралар тармоқ касаба уюшмалари учун ҳақиқий кенгашга айланаётганлигини кўрсатмоқда. Улар ўз аъзолари томонидан берилган ваколатларни амалга ошириб, ишлаб чиқариш уюшмаларининг, бошланғич ташкилотларнинг куч-ғайратларини меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг катта дастурлари теварагида бирлаштирмоқдалар. Кенгашга кирадиган тармоқ тузилмалари қанчалик кучли бўлса, кенгашнинг ўзи ҳам шунчалик кучли бўлади. Бу бирдан-бир тўғри ёндашувдир, бинобарин уни ҳудудий уюшмалараро идораларни тузишнинг асосий қоидаси сифатида мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Маърузачи касаба уюшмаларининг янги умумиттифоқ бирлашмаси тўғрисидаги масалага тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни айтди: «Унитар давлат шароитида ВЦСПС бажарган ролга муносиб баҳо бериб, шуни тан олиш керакки, у бузилган демократик централизм, бошқарувнинг бюрократик системаси даврининг идораси эди. Аъзо бўлган барча ташкилотлар —тармоқ ташкилотлари ҳам, жумҳурият ташкилотлари ҳам фақат ўз уставларига мувофиқ мустақил ҳаракат қила бошлаган ҳозирги пайтда умумиттифоқ касаба уюшмалари марказининг вазифалари тубдан ўзгармоқда».

Аъзо бўлган ташкилотлар касаба уюшмалари маркази ҳомийлигида ихтиёрий равишда бирлашмоқдалар, кенгаш таркибини ўзлари тузмоқдалар, кенгашга зарур ваколат ва пулни ўзлари ажратиб бермоқдалар. Шу билан бир вақтда касаба уюшмалари маркази тузиш ва унинг фаолиятининг янги демократик қоидалари уни мунозара клубига айлантириб юбормаслиги керак. Мамлакат касаба уюшмалари маркази меҳнаткашларнинг, ўзига аъзо бўлган ташкилотларнинг манфаатларини кўзлаб, айниқса ҳокимият ва бошқарувнинг умумиттифоқ идоралари билан ўзаро муносабатларда қудратли ва фаолияти таъсирчан бўлиши керак.

«ССЖИ касаба уюшмалари умумий конфедерацияси» унга энг мақбул номдир. Шунинг учун ҳам умумий конфедерацияки, у бутун мамлакат миқёсида касаба уюшмаларини бирлаштиради. Шунинг учун конфедерацияки, у ўз уставлари ва дастурлари асосида ҳаракат қилувчи мустақил аъзолик ташкилотларининг ихтиёрий иттифоқидан иборат бўлади.

Маърузачи касаба уюшмаларининг асосий манбаи — аъзолик бадалларидан иборат бўлган моддий базаси тўғрисида гапириб, касаба уюшмаси бюджетини бошқариш ишида бошланғич ташкилотнинг устун бўлиши, шу жумладан иттифоқ касаба уюшмалари марказида ҳам устун бўлиши лозимлигини, касаба уюшмаларидан аниқ белгилаб қўйилган миқдорда (фоиз ҳисобида) ажратмалар негизида бирдамлик жамғармалари тузиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб ўтди. Бу маблағ фавқулодда ҳолатларда, иш ташлаш курашини олиб бориш ҳолларида ёрдам бериш учун зарур бўлади.

Агар касаба уюшмалари қоғозда эмас, балки амалда чинакам мустақил бўлишни хоҳласалар уларнинг давлатга қарам бўлмаган ўз молия-кредит системаси бўлиши зарур, деб таъкидлади нотиқ. Яқинда тузилган ССЖИ касаба уюшмалари банки, Москва, Ленинград шаҳарларидаги касаба уюшмалари банклари ҳозироқ бюджетга қўшимча маблағ бермоқда. Ана шундай банклар тармоғини, ўз акционерлик жамиятларини ривожлантириш, тижорат фаолиятини кучайтириш лозим бўлади.

Касаба уюшмалари ҳаракати ҳозир фақат ўз мулкини кўпайтириш билан эмас, шу билан бирга уни ҳимоя қилиш билан ҳам жиддий шуғулланишига тўғри келмоқда, чунки сўнгги вақтда касаба уюшмаларининг мулкига кўпгина даъвогарлар пайдо бўлди. Шубҳасиз, касаба уюшмалари хўжалик тузилиши янгиланиши керак. Лекин уни парчалаб, минтақа ва тармоқ «квартиралари»га тортқилаб кетишларига йўл қўйиб бўлмайди. Бевосита у ёки бу касаба уюшмаси бирлашмаси томонидан барпо этилган бойлик шу бирлашманинг мулки бўлиши керак, лекин «биргалашиб» барпо этилган бойлик ана шу бойлик Қора денгиздами ёки Болтиқ денгизидами, ёки Карпат ортидами, ёки Россиядами — қаерда бўлишидан қатъи назар, касаба уюшмалари барча аъзоларининг мулки бўлиши керак.

Маърузачи касаба уюшмалари билан бошқа жамоат ҳаракатларининг ўзаро муносабатлари хусусида, жумладан, бундай деди:

Съезд номидан шуни аниқ-равшан айтиш керакки, бўлажак касаба уюшмалари маркази мамлакат касаба уюшмалари ҳаракатини ташкил этишга ёлғиз ўзи даъвогарлик қилмайди, касаба уюшмалари марказига кирмаган касаба уюшмалари **марказлари ва касаба уюшмаларининг** бирлашмалари билан ошкора мулоқот қилишга, амалий ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Шу сўзлар билан биз шахтёрларнинг Донецкда ўтаётган иккинчи съезди делегатларига мурожаат қиламиз. Ушбу съезднинг қарорларига биз ишчилар бирдамлиги ва бирлиги қоидаларидан келиб чиқиб, тушуниб, ҳурмат билан қарашимиз керак.

Ҳозирги вақтда меҳнат конфедерациясига бирлашаётган ишчилар ҳаракати ташкилотлари билан, ишчилар клублари, иш ташлаш комитетлари бирлашмалари ва уюшмалари билан ўзаро муносабатларга доир позицияни ишлаб чиқиш лозим. Уларнинг фаолиятида куч ишлатиш усуллари устунлигига қарамай, ишчилар ҳаракати чинакам муаммолар замирида ривожланаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Бу эса маълум даражада касаба уюшмалари тузилишини ҳам жумбушга келтирди, ўз орасидан кўпгина етакчиларни тарбиялади, уларни омма қўллаб-қувватламоқда.

Совет касаба уюшмалари халқаро ишни ҳам янгича қуришни режалаштирмоқда. Ҳозирги вазият бу соҳада асосий эътиборни асосан сиёсий вазифаларни ҳал қилишдан, аввало хорижий касаба уюшмалари марказлари тажрибасини ўрганиш, мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида улар билан ҳамкорлик қилишнинг янги шаклларини ўрнатиш билан боғлиқ амалий масалаларга қатъиян қаратишни талаб қилади.

Иш билан таъминлаш, ишчи кучининг баҳоси, ижтимоий суғурта, касаба уюшмаларининг ишга ёлловчилар билан битим тузиши, касаба уюшмаларининг биргаликдаги ҳаракатлари, ана шу ва бошқа масалалар юзасидан хориждаги ҳамкасблар билан мулоқот қилиш зарур.

Ҳозирги воқелик дарҳол ҳаракат қилишни талаб этмоқда, деди пировардида В. П. Шчербаков. 140 миллиондан кўпроқ одамни бирлаштирган касаба уюшмалари жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши, одамларга аниқ ёрдам бериши мумкин. Бунда ҳар бир касаба уюшмаси ташк

МАРРАГА ЕТГАНЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

• Илғорлар, тажрибакорлар минбари

ЯНГИЧА ЁНДАШИШЛАР ЙЎЛИДА

ҚЎЛИДА РЎЗНОМА ТУТГАН ҳар бир киши даставвал биринчи саҳифада берилган пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумот билан танишмасдан ички бетларга ўтолмайди. Суръат тезлашганини кўрса, кўнгли таскин топади. Пахтакорга бўлутсиз кунларни, ҳаловатли тунларни тилайди. Сабаби маълум. Пахта жумҳуриятимизда яшовчи ҳар бир миллатнинг фахридир. Зотан, шаҳарликлар зарурат туғилган пайтда ҳар доим пахтакорга мададга шошилганлар. Лекин бу йилги мавсумда улар ҳашарга жалб қилинмадилар. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети ва ҳукуматининг пахта йиғим-теримига тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарори шуни тақозо этди. Бу қарорнинг амалийлигини таъминлаш учун эса эндиликда мустақилликка эга бўлган хўжаликлар машиналардан ғоят самарали фойдаланишлари лозим эди. Чунки интенсив технологиясиз пахтачиликни ривожлантиришни тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

ВИЛОЯТ пахтакорлари йиллик режадаги 352 минг тонна хом ашёнинг 81 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб олдилар. Демак, илгари оммавий ахборот воситаларида кўп марта кўтарилган «Тошкент технологияси» афсона эмаслигини кўрсатди, деб ўйлайман. Пахта етиштирувчи тўққизта район ана шу технология шарофати туфайли суръат ва сифатга эришганлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Вилоят хўжаликларида мавсум давомида 2750 та терим машинаси ишлатилган бўлса, уларнинг ҳар бири билан ўртача 100 тоннадан зиёд хом ашё йиғиштириб олинди.

Биринчилардан бўлиб йиллик режаларини бажарган Урта Чирчиқ ва Коммунистик районлари хўжаликлари механизаторлари эса бу кўрсаткични 129-122 тоннага етказдилар. Ғалаба районида энг кўп — ҳосилнинг 95 фоизи машиналар улушига тўғри келди. Ўрта Чирчиқ районида бу 92 фоизни ташкил этди. Коммунистик районидаги Жамбул номли, Свердлов номли, «Правда», Ғалаба районидаги «Заря коммунизма», Ҳамза номли жамоа хўжаликлари деярли юз фоиз ҳосилни техника ёрдамида териб олдилар.

Бу йилги мавсумда техника сабабли қўл теримида ишчи кучидан 40 фоиз кам фойдаланилди. Юзлаб механик-ҳайдовчилар суръатга қанот бағишлашди. Айниқса, коммунистлар бош бўлган бригада, звеноларда унум юқори бўлди. Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли давлат хўжалигидан Н. Адоменко, Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги А. Холмирзаев, Бекобод районидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалигидан А. Отавалиев сингари механизаторлар 230-280 тоннадан пахта териб, ҳамкасбларига намуна бўлишди.

МЕҲНАТНИ ташкил этишнинг янги шакллари вилоят пахтачилигида кенг қўлланилди. Пудрат асосида ишлаган бригада ва звеноларсони вилоят бўйича 90 фоиздан кўпроқни ташкил қилди. 295 бригада юқарида ўз кучларини синаб кўрди. Дадил айтиш мумкинки, меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларига ўтиб ишлаш хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлади, меҳнат интизомини таъминлади, моддий-пул харажатларини анча тежаш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси пировардида ҳосилдорликнинг кўпайишига, меҳнат унумдорлиги ҳамда сифатнинг ошишига ва энг муҳими, деҳқонлар моддий манфаатдорлигини, турмуш шароитларини бирмунча яхшилашга кўмаклашди.

Вилоятда биринчи бўлиб йиллик режасини бажариб, гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигиуюшмаси, Ғалаба районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги», Бекобод районидаги «Партия XXV съезди», «Ленинград» давлат хўжаликлари, Бўка районидаги Мичурин номли, Ильич номли, Пискент районидаги Калинин номли жамоа хўжаликлари янгича усулда ишлаб, хирмонга барака киритдилар. Бўка районидаги «Кремль» давлат хўжалигидаги ижарачи Йўлдош Мирзаев 15 гектар ердан белгиланган 30 ўрнига 57,5 тонна пахта териб берди. Шу райондаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалигидан КПСС аъзоси Худойберди Абдужабборов бошлиқ бригада режадаги 27,5 ўрнига 37 центнердан ҳосил кўтарди. Шу ўринда вилоят хирмонига муносиб улуш қўшган кўпминг килограммчи хотин-қизлар ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш керак. Янгийўлдан Г. Абдуқодирова, Чиноздан Ф. Ҳаҳрамонова, Бекободдан Л. Отабоева, Оққўрғондан К. Қудратова, Пискентдан С. Қулматоваларнинг ҳар бири 6000-9000 килограммдан хом ашё териб бериб, мусобақада пешқадамлик қилдилар.

СИЕСИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАРГА КАТТА ЭТТИБОР ҚАРАТИЛДИ. Бу йилги мавсумнинг аввалгиларидан фарқи шуки, хўжаликларга тўла мустақиллик берилиши муносабати билан вилоят партия ташкилотлари хўжалик юмушларига аралашмадилар. Коммунистлар ҳамкасбларини ўз ортларидан эргаштиришга, партия пленумлари, бюролари қарорларини улар онгига етказишга ҳаракат қилдилар, холос. Кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жойжойига қўйиш масалаларида партия комитетлари муайян силжишга эришдилар. Меҳнат жамоаларига янгитдан раҳбар бўлган кадрларимиз ишончимизни оқлашяпти.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, вилоят пахтачилигида СОВЕТЛАР РОЛИ алоҳида аҳамият касб этди. Улар пахта билан боғлиқ барча масалаларни оқилона ҳал қилишда кўп меҳнат қилдилар. Йиллик режани адо этишда хўжаликларнинг раҳбарлари қаторида қишлоқ Советлари раислари ҳам баб-баравар жон куйдирдилар.

Эндиги мақсад — даладаги қолган хом ашёни охиригача териб олиш, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишга тайёргарликни ҳар бир меҳнаткаш онгига етказишдан иборатдир. Менимча, бу партиявий-ташкилий ишимизда муҳим вазифадир.

С. МАМАРАСУЛОВ,
Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси.

● Вилоят хўжаликларида мавсум давомида 2 минг 750 та терим машинаси ишлади. Ҳар бир машина билан ўртача 100 тоннадан зиёд пахта терилди.

● Ўрта Чирчиқ райони ва шу райондаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги областда биринчи бўлиб йиллик режаларини бажардилар.

● Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалигидан И. Исоқов, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалигидан Худойберди Абдужабборов, Чиноз районидаги «Москва» колхозидан Турсун Бўрибоев бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 38—39 центнерга етказдилар.

● Бу йил вилоят далаларига пахтанинг «С-48-80» «С-65-24», «Наманган-1», «АН-Боёвут-2» навлари экилиб, юқори ҳосилдорликка эришилди.

Кундалик терим тўғрисидаги маълумотномадан кўриниб турибдики, юклари оғир бўлишига қарамай Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Ғалаба районлари пахтакорлари суръатни бўшаштирмаяптилар. Ҳар бири мавсумда 50—55 минг тоннадан ҳосил топширадиган мазкур районлар кунига йиллик режага нисбатан 1—1,5 фоиз миқдоридаги кўрсаткичга эришмоқда.

Шундай руҳ, шундай кайфият, шундай суръат умуман вилоят пахтакорлари кўрсаткичларида ўз ифодасини топди. Зеро, техника самарадорлигига, илғор тажрибага асосланилган жойда ижобий ўзгариш бўлиши табиий.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги тилга олинганда шу хўжалик раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз ака Рўзматов беихтиёр кўз ўнгингиздан ўтади. У пахтачиликдаги бой тажрибаси, техникага жонкуярлиги, ўз касбининг билимдони сифатида вилоят оқсоқоллари ўртасида ўз ўрнига эга. У раис бўлган жамоа хўжалигида техника ремонти хусусида ортиқча гап бўлмайди. Чунки йиғим-теримни тугатган агрегат кузнинг ўзида созланиб, мойланиб, келаси йил мавсумига ҳозирлаб қўйилади. Бундай анъана узоқ йиллардан буён давом этиб келади. Шу боис техника пахтакорга панд бермайди. Бу йил хўжалик деҳқонлари давлатга 3700 тоннадан зиёд хом ашё топширдилар.

Али ХОЛМИРЗАЕВ, шу колхоз илғор механизатори: —Техника қаровини жойига қўймасанг, у сенга панд беради. Бизда эски-янги машина, деган гап йўқ. Хўжалигимизда эски техниканинг умрини узайтириш борасида анча иш қилинди. Кунингга яраб турган машина ўрнига янгисини харид қилиш ортиқча сарф-харажат эмасми? Бу охир-оқибатда ўзимизнинг ҳамёнимизга зарар-ку. Техникани қанчалик авайласак, у бизга шунчалик узоқ муддат хизмат қилаверади. Мен бу йил ўзимга қадрдон, синашта бўлиб қолган машинам билан 280 тонна пахта териб бердим...

Миразиз ака Рўзматов ҳақида гап кетса баногоҳ уста пахтакор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд ака Исматов кўз олдимизга келади. Зотан, уларнинг меҳнат йўллари ҳам бир олманинг икки палласидек бир-бирига ўхшаш, ҳамоҳанг, Яқинда жумҳурият уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашидаги йиғилишда уларнинг 70 ёшга тўлганлиги бир пайтда нишонланиши ҳам фикримиз далили бўлиши мумкин. «Одам борки одамларнинг нақшидир...». Бундайлар кўпроқ ўзини эмас, ўзгаларни ўйлайди. Уларнинг дарди, ташвиши, қувончи, мақсадига шерик бўлиб яшайди. Бир майизни қирқ киши бўлиб, еганидек, бор меҳригиёсини қалб тарозисида ўнлаб одамларга улашади. Алломалар айтганидек, одамлар ташвиши билан яшамаган бир кунини ҳам умри ҳисобига қўшмайди. Бу икки пахта билимдонларини бажонидил шулар сирасига қўшгимиз келади.

М. ИСМАТОВ, Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги раиси: — Мусобақадошим —Миразиз Рўзматов билан ҳар сафар учрашганимда аввал сиҳатсаломатлик, бола-чақа, кейин пахта, пахтакор ҳақида, унинг ҳеч тугамайдиган ташвиш, муаммолари тўғрисида гаплашамиз.

Техника кучидан самарали фойдаланиш, янги пахта навларини яратиш керак, демакдир. Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, олимларимиз бизга ваъда қилган тезпишар навлар яратилмади. Пахта териш машинасини, шпинделни такомиллаштириш тўғрисидаги мен билган ҳужжатларнинг ўзи ўнлаб ғаладонларга сиғмаса керак. Мана шу ва шунга ўхшаш долзарб масалаларни ҳал этмай туриб, пахтачиликни кенг, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган соҳага айлантириш қийин.

Хуллас, ҳамма соҳада бўлгани каби пахтачилик гарданида ҳам ўтган йиллларнинг оғир юклари турибди. Уни фақат танқидбозлик билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун тер тўкиб меҳнат қилиш лозим. Чунки ҳеч нарса одамни меҳнатчалик юксакликка кўтаролмайди.

Фикрет СЕФЕРШАЕВ — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози бригадаси бошлиғи: —Бу йил пахта йили бўлди, деган гапга қўшиламан. фурсатдан фойдаланиб, бригададаги айрим тажрибалар тўғрисида гапирмоқчиман. Колхозимизда пахтакор — ўз ерининг хўжайини. Коллектив пудрат асосида ишлаймиз. Бизга ақл ўргатишнинг ҳожати йўқ. Қачон экиб, қачон парвариш қилишни ўзимиз яхши биламиз.

Бригада кенгашлари иши бу йилги мавсумда ҳам ўзини оқламоқда. Биздаги кенгаш мисолида шуни айтиш керакки, у меҳнатни ташкил этишга алоҳида эътибор беради. Бунда сифатни назорат қилиш иши энг муҳими ҳисобланади. Кенгаш аъзолигига меҳнатда ибрат кўрсатган, ҳалол, жонкуяр кишилар сайланганлиги учун ҳам улар бошқаларга талаб қўя оладилар.

Чала, қўл учида нариданбери ишлаган участка соҳиби билан гап қисқа бўлди: сифатсиз ишлов учун унинг иш ҳақидан 20, гоҳида 30 фоиз миқдорда чегириб қолинди. Сифатли иш бажарганлар эса кенгаш тавсиясига кўра 15 фоизгача қўшимча ҳақ олдилар. Деярли барча тадбирлар шу кенгаш тавсиясига кўра амалга оширилади. Хуллас, бригада кенгаши асосий тарбия, мустақил бошқарув механизмига айланиб бормоқда.

Тоштемир АКБАРОВ — Пискент районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи: — 90 гектар майдонга чигит эккандик. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилгани, дефолиация сифатли ўтказилгани жонимизга оро кирди. Йиллик пахта тайёрлаш режасини бажариш учун бор-йўғи тўрт кун кифоя қилди. Салкам 200 тонна пахта давлат тайёрлов пунктларига топширилди. Асосий ҳосилни йиғиштириб олиш уста механизаторлар — Турсунбой Амирқулов, Собир ва Содиқ Ҳидоятовлар улушига тўғри келди. Улар терган хом ашё асосан юқори сортларга қабул қилинди. Қўл теримида, айниқса, Болта Топилов оиласи бошқаларга намуна бўлди. Унинг ўғли ва икки келинининг бир кунлик кўрсаткичи 400 килограммдан ошди. Шунга яраша иш ҳақи олишди. Қўлда терилган бир килограмм пахта учун 25 тийиндан ҳақ тўланаётганини ҳисобга олсак уларнинг бир кунда ишлаган ҳақлари 100 сўмдан ошади. Менимча, бригадамиз тез маррага етиб келишида ана шу омиллар ҳам муҳим роль ўйнади.

А. МАННОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

• Меҳнат мезони:

ТЕХНИКА ЯНА ҚЎЛ КЕЛДИ

Суратларда: (чапдан) 1. Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалигининг илғор теримчилари Зуҳра Инсабоева ва Рўзиби Йўлдошева. 2. Бўка районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги механизаторлари Камол Эдилбоев, Одилхон Геляев бригада бошлиғи Шарифжон Валижонов билан кундалик вазифалар ҳақида фикр алмашмоқда.

Суратқашлар **А. Зуфаров** ва **А. Тўраев.**

СЎНГГИ МИСҚОЛИГАЧА

Вилоятимиз пахтакорлари эришган зафарда бизнинг ҳам маълум ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз. Шуниси қувонарлики, кўпгина хўжаликлар биринчи ва иккинчи теримдаёқ режаларини бажариб қўйишди. Илғорлар бир кунда 100—130 килограммдан пахта териб, мусобақа ғолиби бўлдилар. Улар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилди. Мен ўзим эса 6000 килограммдан зиёдроқ пахта териб бердим. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Ҳали далада пахта бор. Унинг сўнгги килосигача йиғиб-териб олмагунча кўнглимиз тинчимайди.

Латофат ОТАБОЕВА.
Бекобод районидаги Дзержинский номли жамоа хўжалиги теримчиси.

Даромадга яраша...

Колхозимиз йиллик режани жуда қисқа муддатда бажарганлигининг асосий боиси машиналарга зўр берганлигимиз, пахтакорларни моддий рағбатлантирганимиздир. Масалан, илғор механизаторларимиз Абдусамат Мирзабеков терган пахта сал кам 300 тоннага етди. У айрим кунлари шижоатли меҳнати эвазига 300 сўмгача ҳақ олди. Ҳозирги хомчўтлар бир пахтакорнинг ўртача ойлик иш ҳақи 300—320 сўмдан тўғри келишини кўрсатмоқда.

Бригадамиз аъзолари хўжаликда биринчилардан бўлиб режани адо этдилар. Шу кунгача йиллик пахта тайёрлаш плани 140 фоиздан ошиб кетди.

Б. ШЕРМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

Ёзувчи мулоҳазалари

МАСЪУЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўзбек халқи бошидан қувончли воқеаларни ҳам, мудҳиш ҳодисаларни ҳам кўп кечирган. Лекин Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашининг Ўзбекистон ССРнинг Давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларацияси эълон қилинган 1990 йилнинг 20 июни тарихимизга олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолади. Бундан буёнги турмушимиз ана шу кундан янги йўналишга кирди, десак хато бўлмайди. Бу сиёсий ютуқни чуқур ҳис этишимиз, ҳаммамиз бир бўлиб вужудга келган имкониятдан миллий давлатимиз шукуҳини тиклаш учун фойдаланмоғимиз керак. Аслида миллий байрам сифатида умумхалқ томонидан кенг нишонланиши зарур бўлган бу тарихий воқеани ҳали кўпчилик, ҳатто зиёлиларимиз ҳам етарлича ҳис этаолмаганга ўхшайдилар. Бўлмаса, матбуотимиз саҳифалари, радио ва телевидение орқали мустақиллик Декларацияси хусусида муттасил эшитиришлар, кўрсатувлар бўлиши керак эди. Ташвишланарли жойи шундаки мустақиллик Декларацияси асосий мавзулари бўлиб қолиши керак бўлган ҳуқуқшунос олимларимиз ҳамон лоқайдлар.

Мустақиллик Декларациясини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш Ўзбекистон барча фуқароларининг бурчидир.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик Декларацияси баъзи бировлар ўйлаганидек, тўсатдан вужудга келгани йўқ. У қайта қуриш замирида она-тупроқдан ўсиб чиқди, унинг томирлари жуда теран, минг асрлар қаърига бориб етади: ўзбек халқи давлат қурилишида бой тарихий тажрибага ва мустаҳкам таркиб топган анъаналарга эга.

Мустақиллик Декларациямиз халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб тузилган. Шунинг учун ҳам у қонун талабларига тўла ва ҳар томонлама жавоб беради, чуқур мантиқ билан ёзилган.

Мустақиллик Декларациясининг ҳамма моддалари ҳам инжудек ноёб ва муқаддасдир. 4-моддада шундай дейилади: «СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади».

Ҳаммаси тушунарли, изоҳга ҳожат йўқ. Ушбу Декларацияни ўз номига муносиб мустақиллик Декларацияси қилган, Ўзбекистон ССРнинг мустақил давлат эканини баён этган энг кучли моддадир. Энди бундан буёғига жумҳуриятдан ташқарида қабул қилинадиган қонунлару буйруқлар, фармонлару фармойишлар Ўзбекистон ССР Олий Советида тасдиқланса-гина кучга киради, тасдиқланмаса, инобатга ўтмайди.

Янги иттифоқ шартномаси хусусида Бутуниттифоқ миқёсида муттасил сўз бораётган, бу ҳақда кўпчилик қайғуриб, ташвиш чекаётган бир пайтда кўпчилик ҳуқуқшуносларимизнинг сукут сақлашларини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Буни-ку қўяверинг. Ҳатто улар қонун бузилиши ҳолларига ҳам томошабин бўлиб қолмоқдалар. Бу борадаги мисолни Ўзбекистон ССР манфаатларини Иттифоқ миқёсида ҳимоя қилишга даъват этилган СССР Конституцион назорат комитетининг ўзбекистонлик аъзоси А. Аъзамхўжаев фаолиятидан келтираман. Илгарилари чоп этилган бир қанча китоб ва китобчалар муаллифи бўлмиш бу ҳуқуқшунос ҳам иттифоқ Конституцион назорат комитетига аъзо бўлганидан кейин бирор жўяли чиқиш қилганини сезганимиз йўқ, жамоатчилик у кишидан ана шу юксак лавозимдаги фаолияти хусусида билишни истайди, десак янглишмаймиз.

Умуман, Ўзбекистон ССРдан иттифоқ ташкилотларига вакил қилинган ўртоқлар фаол бўлишлари, у ёки бу масалага доир ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб туришлари зарур. Сукут сақлайдиган, мажлисларда фақат қўл кўтариб, қўл тушириб ўтирадиган, йиллар давомида фаолият кўрсатмайдиган вакиллар «даври» тугади. Энди жумҳуриятимиз, халқимиз ҳаққи-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган, дунёда Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳам борлигини маълум қилаоладиган вакиллар керак бизга.

Энди иттифоқ шартномаси хусусида икки оғиз гап: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида СССР Олий Кенгаши Раиси А. Лукьяновнинг «50 дан ортиқ қонун қабул қилдик, 100 га яқин қонун лойиҳасини туздик», деган гапларига муносабат билдириб, бундай деган эди: «Ишламайдиган, амал қилинмайдиган қонунларнинг кимгаям кераги бор. Қонун оз бўлсин-у, ишласин. Бизлар учун иттифоқ бўйича фақат иттифоқ шартномаси бўлса бас. Қолган қонунларни, жумҳуриятимиз учун зарур бўлган қонунларни жумҳуриятимиз Олий Кенгашида ўзимиз қабул қилиб олаверамиз». Тўғри гап. Янги иттифоқ шартномаси хусусида иттифоқдош жумҳуриятларнинг расмий вакиллари турли фикрларни билдирмоқдалар. Баъзилар иттифоқ шартномаси зарур деса, бошқалар эса шарт эмас, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Мен Ўзбекистон ССР янги иттифоқ шартномасига имзо қўйиладиган бўлса, қуйидагиларни таклиф этаман:

1. Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси ёки лойиҳалари муаллифлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинсин, умумхалқ муҳокамаси учун муддат белгилансин.

2. Иттифоқ шартномасида унинг амал қилиши муддати аниқ қилиб белгилансин. Менимча бўлажак шартнома муддатини 2—3 йил қилиб белгиласа бўлади, агар имзо чекувчи тарафларга иттифоқ таркибида бўлиш асқотса, шартнома муддати яна узайтирилаверади. Шартнома муддатини узоқ қилиб тузиш ҳозирги тезкор даврнинг мос эмас. Энг муҳими, иттифоқ шартномаси ҳурлик ва тенгликни, озодликни баён этган Мустақиллик Декларациямиз принципларига мос бўлмоғи шарт. Унинг 12-моддасида ҳам бу ҳақда аниқ ёзиб қўйилган: «Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир».

Олдимизга энг долзарб масала — Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини тузишдан иборат вазифа турибди. Расмий ва норасмий ташкилотлар билан бирга айрим шахслар ҳам ўз лойиҳаларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этсалар қани эди! Ушанда энг мақбули танлаб олинарди. Хуллас, ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам халқимизнинг сиёсий онгини оширишимиз, фаоллигини кучайтиришимиз лозим. Конституция учун ўз моддаларини матбуот орқали баён этишни ҳам бошлаб юбориш керак. Бу ишни ўзим бошлаб беришга журъат этаман.

Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясида ушбу мазмундаги модда бўлишини таклиф қиламан:

«Ўзбекистоннинг территориал яхлитлиги ва дахлсизлигини инкор этувчи фикрларни жамоат орасида оғзаки тарқатган, ёзма баён этган ва матбуотда айтган шахслар Ўзбекистон ССР қонунига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Агар ундай шахслар жумҳуриятдан ташқарида яшаса, Ўзбекистон ССР учун номатлуб шахс, деб матбуот орқали эълон қилиниши ва жумҳурият ҳудудига келиши таъқиқлаб қўйилиши, бу ҳақда тегишли ташкилотларга ёзма равишда билдириб қўйилиши керак».

Масъулият фалсафий-ижтимоий тушунча бўлиб, шахслараро, жамоатлараро, жамиятлараро ўзаро муносабатларни, ўзаро талабларни ифодалайди. Масъулият ҳуқуқий, маънавий ва бошқа турларга ажралади. Масъулият кимга ёки кимларга алоқадорлигига қараб шахсий, гуруҳ, жамоа турларига бўлинади. Шахсий масъулият даражасини шахснинг кимлиги белгилайди. **Масъулиятни виждон бошқариб туради.** Шахс камолотига қараб масъулият ҳисси кучли бўлади.

Совет жамиятида «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиор 70 йилдан бери ҳукмрон бўлиб келди. Жамият билан шахс ўртасидаги ва аксинча шахс билан жамият ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан масъулият ана шу шиор асосида қурилди ва амалга оширилди. Менимча бу принцип қайта кўриб чиқилиши лозим. Чунки ҳар бир инсон такрорланмас ҳодисадир. қайта қуришни аслида жамиятнинг шахс олдидаги, шахснинг жамият олдидаги масъулиятини қайта қуришдан бошлаш керак эди. Бунда аввало раҳбариятнинг фуқаро олдидаги масъулияти нималардан иборат бўлишини аниқлаш шарт. Давлатнинг жамият олдидаги масъуллиги Конституцияда белгилаб берилади. Лекин ҳамон янги Конституция йўқ. Қайта қуриш даврида турғунлик даврининг эски Конституцияси моддалари бўйича масъулият талаб қилишнинг ўзи масъулиятсизликдир. Турли минтақалардаги воқеа ҳодисаларнинг бош сабабларидан бири ҳам янги даврда эскирган қонун моддаларини рўкач қилишдир, деб ҳисоблайман.

Масъулиятнинг турлари ва хиллари кўп. Даражаси ҳам ҳар хил. Лекин булардан қатъи назар масъулият барибир масъулиятдир. Катта-кичик бўлишидан қатъи назар у бажарилиши шарт. Раҳбарнинг фуқаро олдидаги масъулияти ҳақида сўзлаганда шуни айтиш керакки, ҳожатмандлик раҳбар учун биринчи вазифалардан биридир, яъни эл-юртга меҳрибонлик кўрсатиш, унинг ташвиши билан яшаш раҳбар учун масъулият ҳисобланади.

Бозор системасига ўтилмоқчи экан, ҳозирги нархнавони сақлаб қолиш раҳбарият олдига катта масъулият қўяди. Бошқариладиган бозор системаси деган ибора ҳам ҳаётдан анча узоқ. Тарихда ҳеч қачон бозор бошқарилган эмас, бу инсон изидан ташқаридаги ҳодисадир. Бозорни ҳам табиат бошқаради. Масалан, қурғоқчилик йилларида дон-дун қимматлашган, ёғингарчилик йилларида ғалла мўл бўлган. Азалдан шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Демак, ҳар қандай шиорни ўртага ташлашда ҳам тарихдан келиб чиқиб, мантиққа суяниш керак, ана шунда масъулият ҳис этилган бўлади.

Гап айланиб келиб яна мантиққа бориб тақаляпти. Масъулиятсизликка барҳам бериш ишини зиёлиларга, умуман халққа мантиқ илмини ўқитишдан бошлаш лозим. Мантиқ бўйича иш тутган одамдангина масъулият талаб қилиш мумкин. Виждонли одамгина масъулиятли бўлиши мумкин. Зеро, иймонли кишидагина виждон бўлади. Кўриб турибсизки, масъулият тушунчаси маънавий камолот тушунчасига бориб тақалмоқда, унинг ажралмас қисми экани сезилмоқда. Масъулиятли киши— бу маънавий етук шахсдир. Ва аксинча маънавий пуч одам айни пайтда виждонсиз ҳам. Виждони йўқ одам эса масъулиятни ҳис этолмайди.

Жумҳуриятимизда мустақиллик Декларацияси тўла жорий этилиши учун масъулият ҳаммамизнинг зиммамизда. Раҳбарият атрофидаги катта-кичик лавозим эгаларию маслаҳатчилар айниқса ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишлари керак. Бунда тарихдан келиб чиқиб, мантиқ билан иш тутиш тақозо этилади.

Масъулият тушунчаси билан мулк тушунчаси ўртасида албатта боғланиш бор. Ўйли-жойли, беғубор шахсларда масъулият ҳисси кучли бўлишига ишонч кўп. Уларга ишонилса, суянилса адашмаслик мумкин. Мулкка эгалик ҳуқуқини муқаддас билишликда, мулкка эгаликнинг турли хилларини, жумладан, хусусий мулкни тан олишликнинг масъулият ҳиссини кучайтиришда аҳамияти катта. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистон ССРнинг мулкчилик ҳақидаги қонунида хусусий ва вақф мулклари тўғрисида ҳам махсус моддалар бўлиши айни муддаодир. Хусусий мулк азалий ва абадийдир. Вақф мулки одамларни иймони бутун ва иймонини саломат қилиб тарбиялашга хизмат қилган ва энди ҳам шундай бўлмоғи керак. Хуллас, масъулият муваффақият гаровидир.

А. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

Тўртинчи ғалаба

Аёллар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати якунланишига бир неча тур бор. Зеро, «Андижанка» қизлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар уч йиллик танаффусдан кейин муддатидан илгари тўртинчи марта мамлакат чемпиони бўлдилар. «Андижанка» — «Дончанка» хоккейчиларини қабул қилиб (5:1, 4:1) очколарини 56 тага етказишди. Чемпионликка даъвогар бўлиб турган «Колос» командаси эса кумуш медаль билан қаноатланишга мажбур бўлди. Москванинг жисмоний тарбия олийгоҳи талабалари 45 очко билан учинчи бўлиб туришибди.

Эркаклар командалари ўртасида ҳам чемпион муддатидан олдин маълум бўлди. Олмаота динамочилари 67 очко билан чемпионликни таъминладилар. Москванинг «Фили» командаси ҳисобида 53 та очко бор. Андижоннинг «Звезда» командаси 51 та очко тўплаган.

БОКС:

Совриндорлар аниқланди

Тошкентда С. Жаксон хотира-соврини учун бир неча кун давом этган Бутуниттифоқ турнири якунланди. Мусобақа кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Чунончи, фарғоналик Зуфар Сулаймоновнинг нокаутли ғалабаси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Чиновлик Набижон Қодиров ҳам ғолиблик супасига кўтарилди. Грознийлик Руслан Ижиев билан тошкентлик Тоҳир Одиловларнинг чиқишларини мутахассислар юқори баҳолашди. Қолган вазнларда И. Ситмуродов (Чирчиқ) В. Бегматов (Саратов) Б. Турдиев (Тошкент) С. Маҳаури (Грозний), Р. Алимов (Гулистон), Р. Панарин (Самарқанд), А. Авезбоев (Хўжайли)лар ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

«Бобурнома»нинг 460 йиллиги

УЛУҒ БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Куйбишев номидаги Бобур номли 121-мактабда «Бобурнома» ёзилганлигининг 460 йиллиги арафасида катта тантаналар бўлиб ўтди. Бу ерда Бобур ҳайкали ва адабий-тарихий кўргазма очилди. Тантаналарда жумҳуриятимиз ва хорижлик олимлар ва адиблар иштирок этиб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Суратда: Бобур адабий-тарихий кўргазмаси ҳонасида.

В. КОГАЙ олган сурат.

● **Андижон диёрида — шоир, тарихшунос, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ватанида жаҳон маданиятининг дурдонаси — «Бобурнома» яратилганлигининг 460 йиллиги муносабати билан тантаналар бошланди.**

Байрам қатнашчилари —Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Ўзбекистон олимлари ва адиблари очиқ жойдаги халқ амалий санъати музейига — «Ҳунармандчилик» деб аталган тарихий-этнографик зонага бордилар. У ерда тантанали вазиятда Бобурга ўрнатилган ҳайкал очилди. Ёш ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов яратган бу ёдгорлик «Арк ичи» марказида жойлашган фавворалар отилиб турган ҳовуз соҳилига ўрнатилди. «Арк ичи» XIII асрда — Бобурнинг отаси Умар Шайх қокимлик қилган йилларда бунёд этилганди.

Ушанда арк ичкарисида уй-жойлар ва маъмурий бинолар, шунингдек подшо оиласининг фарзандларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаб ва кутубхона қурилган эди. Кичкинтой Бобур ҳудди шу ерда бошланғич таълим олган.

«Арк ичи» — Бобур давридан бизнинг кунларгача сақланиб қолган маданий-тарихий ёдгорликларнинг биридир. У 1985—1990 йилларда илмий-таъмирлаш устахоналарининг, бир қанча қурилиш ва саноат ташкилотлари жамоаларининг, халқ усталарининг куч-ғайрати билан тикланган ва таъмирланган. Энди бу ерда вилоят адабиёт ва санъат музейининг бўлими — Бобур музейи ишлаб турибди. Унинг ҳужраларига «Бобурнома» асарининг қадимий нусхаларидан намуналар, шоирнинг бошқа асарлари, ноёб китоблар, рассомлар, мисгарлар, кулолларнинг шоир ҳаётига, унинг асарларига бағишланган ижод намуналари қўйилган. Бобур давридаги кийим-кечаклар ва рўзғор ашёларининг намуналари ҳам намойиш этилмоқда.

Корхоналар ва ўқув юртларида меҳмонлар андижонликлар билан учрашдилар.

Андижон диёридаги тантаналар вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган тантанали кеча билан ниҳоясига етди. Саҳнадан туриб Бобур ижодий фаолиятининг турли жиҳатлари, унинг асосий асари — «Бобурнома»нинг қомусий фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинди. Бобур ҳаёти тўғрисидаги драматик асарлардан парчалар кўрсатилди, унинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЧЕКИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги комитетида жумҳурият Олий Кенгаши Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комиссиясининг раиси В. Р. Ниёзматовнинг Ўзбекистон чекистлари билан учрашуви бўлди. Унда Давлат хавфсизлиги комитети хизмат ва бўлинмаларининг ходимлари, қўмондонлик вакиллари, сиёсий ходимлар, шунингдек марказий ҳамда жумҳурият оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган журналистлар қатнашдилар.

Комиссия раиси тўпланганларга комитет фаолияти тўғрисида батафсил ахборот берди, жумҳуриятимизда мудофаа ишлари билан, давлат манфаатларини ҳимоя қилаётган, унинг хавфсизлигини таъминлаётган кишиларнинг фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш билан боғлиқ саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

Рўзномамиз ҳар куни ўз муштарийларидан кўплаб хат-хабарлар олади. Қуйида Ўзбекистон телекўрсатуви ёш диктори, жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига номзод МУСЛИМ ЙЎЛДОШЕВнинг хатини эълон қиляпмиз.

ИНСОН ҚАДРИ

Одам-одам билан тирик. Бу сўзлар замирида қанчаканча маъно бор. Ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун одам билан? Тўғри, одам аввалам бор сув, ҳаво, қуёш билан, кейин тирикликни давом эттириш учун сув, ҳаво, қуёшдай зарур бўлган озуқа билан тирик. Лекин шуниси ҳам борки, бу нарсалар бизнинг имкониятларимиздан қатъи назар ҳамма вақт мавжуд. Чунки биз ҳақимизда қайғурадиган одамлар бор.

Фараз қилинг, сиз хасталаниб қолдингиз. Ўрнингиздан туриш у ёқда турсин, кўзингизни очишга мажолингиз йўқ. Шу алфоз бир ҳафта ётсангизда, сизнинг ёгулик-ичкулигингиздан, иссиқ-совуғингиздан хабар олувчи бирон-бир зот бўлмаса. Димиққан хонани шамоллатувчи, қуришиқ лабларингизга сув томизувчи, очиққан қорнингизни тўйғазишни ўйловчи на қавму-қариндош, хешу-ақрабо ва на дайдию бегона. Ҳеч ким. Мутлақо!

На ҳаво, на сув, на қуёш ва на овқат ёрдам бера олади. Умидгина сизга қувват бахш этиши мумкин. Агар ер юзида инсон зотидан бирон-бир кимингиз бўлса. Вақтики, сиз ўзингиздан бошқа тирик жон йўқлигини билсангизчи? Даҳшат! У ҳолда умид қилишга ҳам ўрин йўқ...

Фақат одамгина сизни бу аҳволдан қутқариши мумкин. Фақат ўгина қодир бу ишларга. Шунинг учун ҳам «Одам — одам билан тирик», дейдилар. Кишилар билан, ҳа-ҳа, фақат улар билангина ҳаёт ҳаётдир! Кимсасиз бу дунёдан не наф? Яшаш... Ким билан?! Ким учун?

Ҳар бир киши ёлғиз қолганда шундай ўйлайди. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари. Шунда одамни оқар сувга қиёслайсан. Беихтиёр. Катта-кичиклигидан қатъи назар. Ахир, дарёдай жўшиб, ёзилиб яшаганлар қатори, ариқчалардай кимсасиз ва масъумлар ҳам бўлади-ку. Лекин бу бутунлай бошқа гап.

Сув бор экан, ариқнинг ҳам, дарёнинг ҳам бағри бутун, қирғоқлари туташ. Мақсади аниқ. Сув қуриса — дарё ҳам энди дарё эмас. Ариқ ҳам ариқ эмас ортиқ. Ё табиат ёки одамлар кўмиб ташлайдилар.

Олам ҳам олам эмас одамсиз. Гарчи олам бирламчи дейилса ҳам.

Шоир фикрича,

Бу дунёнинг устуни —
одам,
Одам нима —
имон бўлмаса!
Инсон учун яралган олам,
Олам нима —
Инсон бўлмаса!

Дунё, олам ҳақида ўй сурамиз... Хаёлан ботаётган қўёшни кузатамиз. Кўзимиз ёниб уфққа боқамиз. Она сайёрамизнинг ҳали биз босиб ўтмаган сарҳадлари сари шаҳд қиламиз... Ҳали биз қучмаган ва ҳали бизни қучмаган кенгликларига кўксимизни очамиз... Уммонлар... Бутун сеҳри-ю оҳанграбоси билан Бахт илиқ оғушига олади...

Ана энди кўз ўнгимизга севгимиз, севгилимиз келади. Отамиз, онаизоримиз келади. Қизимиз, ўғлимиз гавдаланади кўз ўнгимизда... кўзларида бир олам меҳр, қалбларида бир ҳовуч гавҳари билан.

Бахт ҳам инсон билан эканку! Бу олам, бу дунё, нечанеча фотиҳлар, жаҳонгирлар қўлга киритишни орзу қилган бу кўҳна она ер якка кишига мутлақо татимас экан-ку!

Қарасак, ота-онамиз бағри бутунлиги ҳаққи яшаётган эканмиз. Қарасак, севгилимизнинг оташ муҳаббати учун тирик юрган эканмиз. Қарасак, фарзандларимиз учун жон фидо қилишга тайёр эканмиз. Дўстимиз садоқати учун заҳар ютишга рози эканмиз-ку, ахир! Бахтимизни ҳам, шодлигимизни ҳам улар билан, одамлар билан баҳам кўрар эканмиз-ку! Уларсиз бу ёруғ дунёнинг наики бир куни, балки, бир соати ҳам машаққат экан-ку, азизлар!?

Ота-она ўз жигарбандини асрагандай бир-биримизни асрашимиз лозим, даркор, зарур экан-ку, а?! Ахир, сизсиз менга, менсиз сизга ҳаёт йўқ экан-ку, одамлар!..

...Шунинг учун ҳам балиқ сув билан тирик... Қумри ҳаво билан... ...Одам эса одам билан тирик... Хоҳ яқин бўлсин, хоҳ бегона... Уни туртманг...

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси ходимларининг ўз муштарийлари билан мулоқоти давом этмоқда. Бундай учрашувларда муштарийлар ахлоқ-одоб, тарбия, «Одобнома» саҳифаларида ёритилаётган мақолалар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу мавзуда янгидан-янги таклиф ва истакларни айтмоқдалар.

Қуйида Ромитан районидаги совхоз-техникум талабаси Гулшон Жумаеванинг илтимосига биноан «Одобнома» саҳифасида ёшлар, хусусан, қизлар одоби ҳақидаги мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОДОБНОМА

ҚИЗЛАР ИБОСИ БИЛАН...

Дунёда бирор халқ йўқки кашандаликни ёқласа. Барча эл ва элатларда уни қоралайдилар, ёшларни бундай оғудан сақлаш чорасини излайдилар. Бизнинг асримизда у наинки шахсий одобсизлик ёки маданиятсизлик, балки ижтимоий иллат тусини олди. Майхўрлик ва тамаки чекиш халқимизга бегона нарса. Бу касалликка чалинганлар ҳам уни яширишга, одоб доирасидан чиқиб кетмасликка интилганлар. Мабодо ўғил қўлига сигарет олгудек бўлса ота-онасидан яширган. Ота ҳам фарзандлари олдида чекишни одобсизлик деб билган.

Афсуски, бугунги кунда чекаётганлар кўпайгандан кўпайиб кетишяпти. Ҳозирги кунда қарию ёш баббаравар чекяпти десак, муболаға бўлмас. Ҳатто қизларнинг қўлларида сигарет. Ҳа, ҳа ўзбек қизларининг қўлида сигарет.

...Қаршимдаги ўриндиқда икки дугона сигарет бурқситиб ўтиришарди. Уларга бир қарайман, икки қарайман. Кейин кўриб, кўрмасликка оламан, бўлмайди. Бирор нарса десаммикан?! Насиҳат кор қилармикан буларга. Бунчалик ўзини беҳаё тутган қизларнинг: «Нима ишингиз бор биз билан, туққаннингизга хўжайин бўлинг, опа! Э сиздақа ақл ўргатувчилардан тўйганмиз» дейишлари турган гап...

Тамаки чекаётган қизлар... Уларга узоқ тикилиб қоламан. Улар борлиқни, чор-атрофларидаги одамларни мутлақо унутишган. Бири олиб, бири қўяди гапни. Ақиқ лабларига кетма-кет сигарета тутишади. Йўлдан ўтиб бораётган йигитлар уларга маъноли қараб ҳиринглаб қўйишади. Улар шундай ўтиришибдики, гўё дунёда уларнинг ҳеч қанақа дарди, ташвиши йўқ. Кўнгил очиш ва зериккан кўнгил чигалларини сигареталар билан тарқатиш учун бу ерга келгандай...

Қизалоқларини етаклаб сайрга чиққан ёшгина она рўпарадан келарди, бирдан чекаётган қизларга кўзи тушиб, бошқа томонга бурилиб кетди. Хиёл ўтиб, яна бир йўловчи кўринди. У нуроний киши эди. Илгарилари бундай отахонларга дуч келиб қолинса ўзимизни қўярга жой тополмай, тезроқ салом бериб, одимни тезлаштирар эдик. Ахир, катта одамнинг салобати босади-да... Отахон аста ўтиб боряптию, қизлар пинакларини бузмай ўтиришарди. Отахон ҳам уларга бир назар ташладию ачиниш, изтиробга ўхшаш бефарқлик билан йўлида давом этди.

Наҳотки, шу қўйга тушиб қолдик?! Наҳотки халқимиз орасида, айниқса қиз-жувонлар ўртасида чекиш одат тусини олди?! Гапимга ишонмаяпсизми?! Ўзбек қизларини ҳақорат қилаяпсиз, деяпсизми?! Афсуслар бўлсинки, бу — рост. Бу — ҳақиқат. Ўзбек қизлари чекиб ўтиришибди... Либослари ҳам, кўриниш ва ўтиришлари ҳам ғайриахлоқий. Упа-эликни масхарабоздан ўтказиб юзларига чаплаб ташлашган.

Баъзи тоифа ёшлар борки, уларнинг ахлоқсизлигини юз-кўзларидан дастлаб ғаб бўлмайди. Келин қилиш орзусида юрган пайтларимда қаерда қайси қизни кўрсам, ўшани келинликка мўлжал қилиб, бошидан оёғигача бир разм солардим. Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирида бўлганимда кўзни чақмоқдай оладиган икки дугонани учратиб қолдим. Ҳусн-латофатда ҳам, бежирим кийинишда ҳам уларнинг олдига тушадигани йўқ деса, муболаға бўлмас. Киройи келининг бўлса, шундай бўлсин-да, дегинг келади. Орқаларидан ўзларига билдирмай кузатиб бордим. Бир аудиторияга кириб кетишди. Мен эса эшик олдида узоқ пойлаб турдим. Ҳа деса чиқаверишмади. Шунда эшикни очиб ичкарига мўраладим. Не кўз билан кўрайки, улар ланг очиқ деразага суяниб сигарета чекишарди. Мен ўша жойдан қандай қилиб чиқиб кетганимни билмайман.

Бу воқеа қайси олий ўқув даргоҳида рўй берганини айтишим шартмикан?! Негаки, бундай ҳолни энди истаган институтда учратиш мумкин. Бундай тоифа ёшлар кўпайиб кетаётгани жуда-жуда ачинарли ва ниҳоятда ташвишлидир. Ҳамма гап шундаки, чекиш шундай нуқсонки, буни кўришинг билан ўша одамдан, эҳтимол яхши жиҳатлари кўпдир, лекин барибир ихлосинг қайтади. Негаки бу нуқсон, ортида ўша инсоннинг маънавий қиёфаси кўринади. Бугун яшириб чекаётган одам эртага очиқчасига чекиши ҳеч гап эмас. Кўчақўйда андишасизлик билан чекиб ўтирган аёлдан ахир яхшилик кутиб бўладими?! Бу ҳар қалай бузилишнинг бошланишидир. Кашандалик жамоат бинолари, хонадонлар, одамлар гавжум, дам олиладиган жойларга ўрмалаб кириб борди. Биз илгарилари онда-сонда учраган ва тасодифга йўйиб, бу иллат билан чиқиша олмаган одатлар билан бугун муросаи мадора қилаётирмиз.

Тамаки чекаётган қизлар... Қачон бу йўлга кирдингиз? Сумкангизда, ёстиғингиз тагида ёки тошойнангиз ғаладонига сигарета яширганингизни наҳотки онангиз пайқамади? Наҳотки, димоғингиздан тамаки ҳиди келаётганини сезмадими?! Ахир, бу кечаю кундуз иш билан овора бўлган оналар ва оталарнинг шўри эмасми? Бугунги тарбиявий толиқишлар ва ношудлигимизнинг инқирози эмасми бу?

Чекаётган хотин-қизларнинг аксарияти оилада акаси ёки отасига сигарет тутатиб бераман деб, чекишга ўрганиб қолганларидан нолийдилар. Бир собиқ кашандани биламан. У неча бор чекишни ташламоқчи бўлган. Лекин ташлай олмади. Бир куни синглиси бурқситиб чекаётганини кўргану шу дақиқадан бошлаб сигаретани қўлига олмай қўйган. 20 йиллик кашанда чекишни ташладию, кечагина акасига сигарета харид қилиб, тутатиб бериб юрган синглисини бу йўлдан қайтариб ололмади.

Бир аёлни танирдим. У эридан, уйдагилардан яшириб чекарди. Сигаретани тандирнинг ичига беркитиб қўярди. Тандирга ўт қўйишганда сигарета ёниб кетиб, келинини қарғаб ўтирганини кўрганман. Кейинчалик ўша аёл ичишга ўрганди. У пайтда винолар кўп сотиларди. Уни ҳам тандирнинг ичига яшириб қўйиб керагида ичиб юрарди. Ўзи ҳеч ерда ишламас, пенсия ҳам олмасди. Папирос ва ичкилик учун эрининг чўнтагидан пул ўғирларди. Бунинг учун у эридан неча бор калтак еди. Ҳатто шу аёл ҳам папироси ёки виноси тугаб қолса, буни олиб келишни ҳеч вақт ўғилқизларига буюрмас, балки уларнинг ўртоқларидан ялиниб-ёлвориб илтимос қиларди. Энди ўйласам ўша аёл ўзининг қилиқларини ўзи ҳам ёқтирмас экан. Ўз айбини ўзи билар экан. Буни болалари кўриб, одатланиб қолишларини истамагани учун ҳам жуда-жуда ичгиси, жуда-жуда чеккиси келган танг ҳолида ҳам уларни аяган.

...Ўша аёл ҳаётдан кўз юмганида маҳаллада «Бечоранинг ўпкаси тамом бўлган экан» деган гап тарқалган эди. У аёл бандаликни уйида бажо келтирган. Медэкспертиза қилинмаган; балки ўпкаси эмас, жигари оғригандир, эҳтимол юраги ишдан чиққандир. Лекин, маҳалла аҳлининг хулосаси якдил эди. Одамларда кашандалик, албатта, соғлиқни ишдан чиқаради. Хусусан, «ўпкани олади» деган оддий, аммо адолатли тушунча мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам чеккан, ичган, ўғрилик ва безорилик қилган кимсалар ҳаётидаги фожиаларга уларнинг ҳаёт тарзларидан келиб чиқиб баҳо беришган. Бу тушунча ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ахир, ёмон сифатлар ҳеч вақт яхши хулқатворга эш бўлмаган. Аксинча кашандалик, ичкиликбозлик, безорилик, хотинбозлик ёки фоҳишаликка йўл очган. Шу ўринда яна юқоридаги танишим ёдимга келади. Ўша аёлнинг ичкиликка ва ниҳоят эрининг чўнтагига тушишга бошлаган нарса чекишга ҳирс қўйгани эмасмиди?!

Хизмат юзасидан хотин-қизлар қамоқхонасида бўлишга тўғри келди. Ўшанда қамоқхона бошлиғининг бир маҳбуса ҳақида айтгани ҳеч эсимдан чиқмайди:

— Сигарета сўрайвериб, хизматчиларимизни ҳам бездириб юборди. Бола-чақаси, қариндош-уруғлари билан кўриштиришни сўрамайди. Фақат сигарета беринглар, дейди. Онда-сонда унга совға-салом келади. Қанақа совға-салом дейсизми? Халта тўла сигарета, фақат сигарета...

Кашандалик жиноят, қабиҳ ишларга қўл урган маҳбусаларнинг аксариятига хос хусусият эканини бунда ўз кўзим билан кўрдим. Улардан аламдан чекяпман, аламимдан ичяпман, аламимдан... деган сўзларни кўп бор эшитдим. Шундай пайтда ўйланиб қоласан киши. Улар бу хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини бахтсиз ҳаётларига қарши исён деб биладилар. Аксинча, бу — ожизлик, бу — иродасизлик. Қолаверса, ёмон одатларни кўпайтирувчи, ҳаётни чигаллаштириб юборадиган бидъатдир.

Тамаки чекаётган қизлар, олдингизда жар бор. Ҳа, жар ёқасида турибсиз, эҳтиёт бўлинг.

Пойтахтдаги Ленин ноҳияси халқ судида маслаҳатчи бўлиб ишлаган пайтимда оила қурганига эндигина уч ой бўлган ёш келин билан куёвнинг ажралиш ҳақидаги ишини кўришда қатнашган эдим. Куёвнинг важи битта эди:

— Хотинимнинг димоғидан папирос ҳиди келди. Мен бундай аёл билан ҳаётимни боғлай олмайман. Қўлида сигарета тутган аёлни бўлажак болаларимнинг онаси қиёфасида тасаввур эта олмайман.

...Келин ерга қаради. Йигитнинг хотини чекканини ўз кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаганини тасдиқловчи далил-исботи йўқлиги бизга қўл келди. Келиндан, «бундан кейин оғзимга сигарета олсам...» мазмунида тилхат ёздириб олдик. Йигитга оила қуриш осон, лекин уни сақлаб қолиш қийинлиги ҳақида узоқ насиҳат қилиб, хотининнинг яхши хислатлари олдида бу камчиликни тузатиш мумкин экани тўғрисида юрак-бағриларимиз хун бўлиб тушунтиришимизга тўғри келди. Эҳтимол, бу гапларим учун устимдан кулаётганлар ҳам бўлар. Агар тамаки чекаётгани учун ажралиб кетадиган бўлса қанчадан-қанча аёллар эрини судга бермасмиди, дерсиз. Гап эркаклар ҳақида бораётгани йўқ. Мен эркакларнинг чекишини ҳам ҳеч қачон оқламайман. Лекин ҳозирги гап ҳаётимиз гуллари — хотин-қизлар ҳақида. Инсон хулқ-атворидаги яхши ва ёмон, чиройли ва хунук одатлар улардан бошланади. Эркаклар аёлларни ғуборсиз, ўзлари йўл қўйган камчиликларни, масалан ичиш, чекиш каби иллатлардан мутлақо халос бўлишларини истайдилар. Жамиятимизнинг хотин-қизларга бу борадаги истаги, талаби ундан ҳам баланд. Негаки оиланинг ҳусни, латофати, бугуни ва эртаси кўпроқ аёлга — онага, унинг сиҳат-саломатлиги, маънавий баркамоллигига боғлиқ.

Тамаки чекаётган қизлар, шунинг учун ҳам сизнинг эртангиз ҳақида қайғураман. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дейдилар. Балоғатга етиб, одам бўлиб, шаклланаётган олтин даврларингизда одатланган, ўзингизда, руҳингизда кўникма ҳосил қилган хулқ-атвор сиртмоғидан у ёмонми ёки яхшими, барибир чиқиб кетиш амри маҳол бўлади.

Қизим сенга айтаман — келиним сен эшит, деган гап бор халқимизда. Ҳали қўлига сигарета ушламаган қизларим, сингилларим бу йўлга асло кирманг! Кейинги пушаймоннинг давоси оғир...

Редакцияга ёрдам сўраб кириб келган бир она оҳудодини қалбим зардобга тўлиб эшитганимда, унга ёрдам беришга қўлим калталик қилганида ёмон одат одамнинг ўз-ўзига яратган душмани эканига яна бир бор ишондим. Ўша онанинг илтижоси ва илтимоси битта эди: ёмон йўлга кириб кетган фарзандини бу йўлдан қайтариб олишда ёрдам беришимизни истарди. Бу борада унинг шикоят қилмаган идораси, суд, прокуратура, милиция органлари қолмабди. Ҳеч ким буни ҳал қилолмабди. Негаки бу масалани балоғат ёшидан ўтиб, ўзи ҳам она бўлган ва мустақил яшаётган ўша қизнинг ўзидан бўлак ҳеч ким ҳал эта олмайди. У эса онасини кўришни истамайди.

Бу фожиа нимадан бошланганлиги билан қизиққанимда, «тамаки чекишдан», деди она алам билан:

— Ўшанда қизим 14 ёшда эди. Икки сменалаб ишлардим. Ишдан қайтган пайтларимда намат тагида, ҳовли бурчакларида чекиб ташланган папирос қолдиқларини кўриб қолардим. Уйда она-бола икковимиз яшардик. Шунинг учун бундай пайтларда мен йўғимда бирор эркак киши келдими, буни ким чекди, деб сўраб-суриштирардим. Лекин бирор марта ундан аниқ жавоб ололмаганман. Очиғи қизим чекади, деб хаёлимга ҳам келмаган. Кейинроқ уймда винонинг бўш шишалари пайдо бўла бошлади... Шундай қилиб қизимни йўқотиб қўйдим...

Мўъжаз хиёбон. Қуёш чарақлайди. Фавворалар кўкка қараб нола қилади. Қушлар навосидан баҳри-дилинг очилади. Қаршимдаги ўриндиқда тамаки чекиб ўтирган қизлар бўлса чор-атрофдаги бу нафосатни ҳам ҳис этмайдилар. Ўзлари билан ўзлари овора...

Сигарета тутунларига қўшилиб, уларнинг қиқир-қиқирлари самога ўрмалаб кетаётгандай. Бу нидоларга назаримда уларнинг ёшлиги, қизлик иффати, аёллик ғурури, қўйингчи, келажаклари, ҳаёт-мамотлари ҳам қўшилиб йўқолиб кетаётгандай эди.

Дилбар МАҲМУДОВА.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Азиз муштарийлар, «Одобнома» саҳифаларида ахлоқ-одоб, тарбия мавзуларида яна қандай мақолалар ўқишни истардингиз?!

Қайта қуришдек мураккаб бир жараённи бошдан кечираётган бир пайтда сизни нималар ташвишга ва ҳаяжонга солмоқда?! Қайта қуриш қаҳрамонларини қандай тасаввур этасиз? Қандай одамларни курашчан, ўз касбига, халқига фидойи деб биласиз?! Ҳаётда кўрган, билган ва мулоқотда бўлаётган одамлар ва улар билан боғлиқ воқеалардан энг таъсирлиси ҳақида бизга ёзиб юборинг.

Ёмон гап деб тортинманг, яхшиликни эса тарғиб этишдан истиҳолага борманг. Одамлар яхшиликдангина эмас, балки ёмондан ҳам яхшиликни ўрганадилар.

...Бундай мақолалар меҳри кул босган бир фарзанд қалбида ота-онасига нисбатан меҳр чироғини қайта ёқса ҳам, бир одамни дўстига ҳиёнату, қўшнисига қасд қилишдан тўхтатиб қолса ҳам, лоақал бир ғариб кўнглини шод эта олса ҳам катта гап...

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

• Реклама ва эълонлар •

«ЦЕНТРОСОЮЗ»нинг
САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ
СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги
БУТУНИТТИФОҚ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ

1990 йил 23 июлдаги 387—В сонли буйруғи билан 08.00.05 — ноишлаб чиқариш соҳасидаги мавзуларда халқ хўжалиги ва унинг тармоқлари (савдо) ни бошқаришда иқтисод, режалаштириш ва ташкил қилиш ихтисоси бўйича фан номзоди илмий даражасини бериш юзасидан К 148.03.01 ихтисослашган кенгаши тасдиқланганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кенгаш 1990 йил сентябрь ойидан бери фаолият кўрсатмоқда.

СССР Бутуниттифоқ Аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан, ҳужжатлар ихтисослашган кенгаш раиси, Самарқанд кооператив институтининг ректори номига қуйидаги манзилга юборилсин: 703000, Ўзбекистон ССР, Самарқанд шаҳри, Коммунистик кўчаси, 41-уй.

●

ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«УЗАГРОИНФОРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ШОШИЛИНЧ РАВИШДА
ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ

— ГМД ЕС-9007.01.5 да маълумотларни тайёрлаш қурилмаси — 5 та, биттасининг баҳоси — 9.343 сўм;

— ЕС-6015 киритиш қурилмаси — 5 та, биттасининг баҳоси — 13.800 сўм;

— «Искра» 1030.11.4,5 бажарилишдаги шахсий электрон ҳисоблаш машинаси, баҳоси — тўлалик даражасига қараб 15.000—23.000 сўм;

— ДВК—3 ҳисоблаш компекси — 5 та, якка ҳолдаги баҳоси — 10.500 сўм. Ҳаммаси завод ўрамида ва яхши аҳволда сақланган.

— рулонли ЕС-7051 графақурғичи — 1 дона, яхши аҳволда, қолдиқ баҳосида.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 8-уй.

Телефонлар: 45-09-46, 45-27-39, 45-25-49.

●

ИЖАРАДАГИ «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИ

Чирчиқ, Андижон, Фарғона шаҳарларида ишлаш учун электрчи-мутахассислари, ишчиларни ва муҳандис-техник ходимларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

3—4 йил мобайнида уй берилади.

Ўртача ойлик маош — 350—400 сўм.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 59-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 91-уй, мутахассислар бўлими. Телефон: 53-60-14.

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ҚУРИЛИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 5-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

— Ватанимизда ишлаб чиқарилган барча маркалардаги тракторлар, шунингдек улар негизидаги бульдозерлар ва қувур ётқизувчилар;

— ЭО-4121, ЭО-4124, ЭО-3322, ЭО-2621 экскаваторлари;

— кўчма электр станциялар ва пайвандлаш агрегатларини

жорий, тубдан ва қайта тиклаш билан боғлиқ

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 47-уй. Телефонлар: 76-67-46, 76-86-55.

Ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси ишлаб чиқариш бошлиғи К. Насриддиновга отаси

Насриддин ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 244. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12